ЛЕНИНЧА ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИК НАМУНАСИ

ҚОН-ҚАРДОШ ҚОЗОҚ ХАЛҚИНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚИГА БЕБАҲО ИНЪОМИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши
№ 26 (12.379)

Пайшанба, 31 январь 1963 йил

Баҳоси 2 тийин.

ШАРҚДА: ВАҚТ ТОҒНИ ЕМИРАДИ, СУВ ТОШНИ КЕМИРАДИ, ДЕЙДИЛАР. ЛЕКИН СОВЕТ ХАЛҚЛАРИНИНГ ДЎСТЛИГИ ВАҚТГА БЎЙСУНМАЙДИ. ЙИЛЛАР ЎТГАН САРИ БУ ДЎСТЛИК ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНА БЕРАДИ. СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ ЛЕНИНЧА ДЎСТЛИГИДАН МУСТАҲКАМРОҚ ҲЕЧ БИР МАТЕРИАЛ ТАБИАТДА ЙЎҚ.

Н. С. ХРУШЧЕВ.

Б. Масальский чизган расм.

СОВЕТ РЕСПУБЛИКАЛАРИДА КЎП МИЛЛАТ КИШИЛАРИ БИРГА ЯШАМОҚДАЛАР ВА АҲИЛЛИК БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДАЛАР. ИТТИФОҚЧИ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ СССР ИЧИДАГИ ЧЕГАРАЛАРИ ЎЗИНИНГ ИЛГАРИГИ АҲАМИЯТИНИ ТОБОРА ИЎҚОТИБ БОРМОҚДА, ЧУНКИ ҲАММА МИЛЛАТЛАР ТЕНГ ҲУҚУҚЛИДИРЛАР, УЛАРНИНГ ҲАЁТИ ЯГОНА СОЦИАЛИСТИК НЕГИЗДА ҚУРИЛМОҚДА ВА ҲАР БИР ХАЛҚНИНГ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИ БИР МЕЪЁРДА ҚОНДИРИЛМОҚДА. УЛАРНИНГ ҲАММАСИ УМУМИЙ ҲАЁТИЙ МАНФААТЛАРИ БИЛАН БИР ОИЛАГА БИРЛАШГАНДИРЛАР ВА ЯГОНА МАҚСАД БЎЛГАН КОММУНИЗМГА БИРГАЛИКДА БОРМОҚДАЛАР.

КПСС ПРОГРАММАСИДАН.

Пролетарии всех стран, соединяйтесь!

ПРАВДА ВОСТОКА

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Год издания 39-й
№ 26 (11909)

Четверг, 31 января 1963 года

ҚАРДОШЛИК ҲИММАТИ

Кеча матбуотда Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиумининг умумдавлат манфаатларини назарда тутиб, Мирзачўл ерларининг бўлиб юборилганлигини тугатиш, бу ерларни хўжалик жиҳатдан тезроқ ўзлаштириш ҳамда ундан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун энг рационал фойдаланиш мақсадида Жанубий Қозоғистон ўлкаси территориясининг бир қисмини Ўзбекистон ССР составига ўтказиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Бу Фармон эртадан бошлаб кучга киради. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми шу йил 28 январдаги Фармони билан Қозоғистон ССР Жанубий Қозоғистон ўлкасидан ўтказиладиган бир қисм территорияни Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси составига кўшди ва республика Министрлар Советига бу территориялар, хўжаликлар, муассасалар ва ташкилотларни қабул қилиб олишга тааллуқли зарур тадбирларни амалга ошириш вазифасини топширди.

Энг яқин қўшнимиз, биродаримиз, ери еримизга, дили дилимизга пайванд бўлган қардош қозоқ халқининг бу олижаноб дўстлик ҳиммагини Ўзбекистон меҳнаткашлари самимий миннатдорчилик туйғуларига тўлиб тошган ҳолда зўр қувонч ва шоду хуррамлик билан кутиб олдилар. Республикамизда яшовчи ҳар бир киши бу актни Совет Иттифоқи халқлари ленинча бузилмас дўстлигининг, улар ўртасидаги самимий дўстона ҳамкорликнинг энг ёрқин ифодаси деб билмоқда, ўзбек ва қозоқ халқларининг ўзаро ишончи ҳамда зўр муҳаббатидан далолат берувчи ғоят муҳим ҳужжат деб ҳисобламоқда. Жонажон Коммунистик партиямиз ягона бир оила қилиб жипслаштирган СССР халқларининг ҳузурида ёруғ ва пўлатдай мустаҳкам буюк дўстлиги мана шу олижаноб актда янги куч билан, ўзининг бутун улуғворлиги билан яна ва яна ёрқин намоён бўлди. Бу дўстлик кўпмиллатли давлатимиз енгилмас кучларининг манбаи, коммунизм қураётган СССР халқлари учун чинакам битмас-туганмас ижодий куч ва ғайрат манбаи, қардош совет республикалари эришаётган барча муваффақиятларининг гаровидир.

Фақат социалистик тузум шароитидагина, СССР халқларининг бузилмас бирлиги ва дўстлиги шароитидагина ана шундай дўстона ҳамкорлик бўлиши мумкин. Бу қардошлик оиласида ҳеч қандай территориал даъволар, бошқаларнинг ҳисобига манфаат кўриш истаги бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас, бу оилада ҳамма масалалар, шу жумладан территория масалалари ҳам чинакам тенгҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва қардошларча ҳамкорлик руҳида ҳал қилинади. Бу иш ўзбек ва қозоқ халқларининг манфаатларига ҳамда Совет Иттифоқининг умумий давлат манфаатларига мос бўлиб тушади.

Совет халқлари дўстлигини бутун чоралар билан ривожлантираётган ва тобора мустаҳкамлаётган шонли Коммунистик партия мамлакатимиз халқларини коммунизмнинг турли чўққилари сари бошлаб бормоқда. Тенгҳуқуқли халқларнинг ихтиёрий асосларда ягона кўпмиллатли давлатга — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига бирлашуви ва жипслашуви, — дейилади КПСС Программасида, — уларнинг давлат, хўжалик ва маданий қурилишда мустаҳкам ҳамкорлиги, қардошларча дўстлиги, улар экономикаси ва маданиятининг равнақ топиши ленинча миллий сиёсатнинг энг муҳим якунидир. Совет Қозоғистони территориясининг бир қисми Ўзбекистонга берилиши ўз Ватанининг бахт-саодати йўлида, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча ҳамкорлиги ва бир-бирларига ёрдамлашувларининг энг ажойиб намунасидир.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли, ўз оғаси ва ҳалоскори бўлмиш улуғ рус халқининг ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг самимий ёрдами туфайли ўзбек ва қозоқ халқлари умрбод озодликка чиқдилар ва капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, социализмга келдилар ва эндиликда социалистик миллатларнинг қардошлик ҳамкорлигида коммунизмнинг муаззам биносини барпо этмоқдалар, СССРдаги ҳамма халқларнинг муваффақиятлари сингари ўзбек ва қозоқ халқларининг ҳам эришган барча муваффақиятлари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати доно раҳбарлигининг натижаси, мамлакатимизда ленинча миллий сиёсат амалга оширилганлигининг самараси, халқлар дўстлиги улуғ прогрессив ҳаётбахш кучининг гантанасидир.

Жанубий Қозоғистон ўлкасининг Чимкент ва Қизил Ўрда областларидан жами 3.663 минг гектар ҳайдаладиган ва яйлов ерлар массиви ҳамда ана шу ерларда жойлашган Пахтаорол ва Киров ишлаб чиқариш бошқармаларига қарашли колхоз ва совхозлар, шу территориядаги ҳамма муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар Ўзбекистон ССР составига ўтказилди. Қозоғистон ССР территорияси бир қисмининг Ўзбекистон ССР составига топширилиши совет пахтачилигини ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада тезроқ ривожлантиришга, партия XXII съезди қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга ҳизмат қилади. Бу олижаноб актнинг амалга оширилиши совет пахтачилигининг янги йирик базасини вужудга келтиришга, Мирзачўл ерларини тезроқ ўзлаштириб, коммунизм ишига хизмат қилдиришга, Мирзачўлни «оқ олтин» конига айлантиришга ёрдам беради.

Миннатдор ўзбек халқи қардош қозоқ элининг олиҳимматалилигини умр бўйи эсдан чиқармайди, умумхалқ, умумдавлат манфаатларини кўзлаб, ўз ерининг бир қисмини Ўзбекистонга тақдим қилганлиги учун багри кенг, кўнгли очиқ қозоқ халқига чин қалбдан қизғин ташаккур ва миннатдорчилик изҳор қилади. Маълумки, ўзбек ва қозоқ халқлари қадим замонлардан бери иноқ қўшни бўлиб, жуда тотув яшаган, қуда тушиб — қиз олиб, қиз берган, бир ариқдан сув ичиб, бир ариқдан экин суғорган. Бу тотувлик, дўстлик ва биродарлик Совет ҳокимияти йилларида социализм ва коммунизм учун курашда янада ўсди, чиниқди, камолотга етиб мустаҳкамланди, тобланиб, қудратли кучга айланди. Бу ҳаётбахш куч ленинчи Коммунистик партиямиз раҳномалигида янги, ғоят чуқур мазмунлар билан бойимоқда, янги мўъжизалар яратмоқда. мамлакатимиздаги барча қардош халқларимиз учун гўзал, порлоқ истиқболлар очиб бермоқда. СССР халқларининг дунёни қойил қолдирган, жаҳон меҳнаткашларининг жуда зўр иззат-ҳурмати ва юксак ишончига сазовор қудратли дўстлиги мавжуд экан, биз коммунизм чамани сари ғолибона юришимизни забардаст одим ташлаб тўхтовсиз давом эттира борамиз ва бу нурафшон манзилга яқин йилларда етиб борамиз.

Коммунистик партия етакчилигида, СССР халқларининг улуғ қардошлик оиласида коммунизмнинг янги ғалабалари сари, олға!

Б. Масальский чизган расм.

СОВЕТ РЕСПУБЛИКАЛАРИДА КЎП МИЛЛАТ КИШИЛАРИ БИРГА ЯШАМОҚДАЛАР ВА АҲИЛЛИК БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДАЛАР. ИТТИФОҚЧИ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ СССР ИЧИДАГИ ЧЕГАРАЛАРИ ЎЗИНИНГ ИЛГАРИГИ АҲАМИЯТИНИ ТОБОРА ИЎҚОТИБ БОРМОҚДА, ЧУНКИ ҲАММА МИЛЛАТЛАР ТЕНГ ҲУҚУҚЛИДИРЛАР, УЛАРНИНГ ҲАЁТИ ЯГОНА СОЦИАЛИСТИК НЕГИЗДА ҚУРИЛМОҚДА ВА ҲАР БИР ХАЛҚНИНГ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИ БИР МЕЪЁРДА ҚОНДИРИЛМОҚДА. УЛАРНИНГ ҲАММАСИ УМУМИЙ ҲАЁТИЙ МАНФААТЛАРИ БИЛАН БИР ОИЛАГА БИРЛАШГАНДИРЛАР ВА ЯГОНА МАҚСАД БЎЛГАН КОММУНИЗМГА БИРГАЛИКДА БОРМОҚДАЛАР.

КПСС ПРОГРАММАСИДАН.

САМИМИЙ КУТИБ ОЛИШ

АНТОНИН НОВОТНИЙ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Совет кишиларини социализм ва коммунизм қурилиши йўлига кириб олган барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан маҳкам дўстлик алоқалари боғлайди. Совет Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасида қардошларча алоқалар узлуксиз кенгайиб бормоқда. Чехословакия Социалистик Республикаси буюк социалистик ҳамдўстликнинг муносиб аъзоси, социалистик лагерь бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлаш учун актив курашчидир.

Чехословакия Ўзбекистон меҳнаткашларининг қалбига ҳам яқиндир.

Республика пойтахтининг меҳнаткашлари Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатлари бўйлаб қилган сафардан ватанига қайтиб келаётган Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикаси Президенти Антонин Новотний ва унинг йўлдошларини 30 январда кутиб ола туриб, чехословак халқига бўлган қардошларча муҳаббат ҳисларини ёрқин ифода этдилар.

Азиз меҳмонлар тушган самолёт етиб келиш олдидан Чехословакия, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортига

Латфулла ШАКЕНОВ

ТУТАШ ҚАЛБЛАР

Қўшиқлар ҳам, куйлар ҳам ўхшаш,
Бир туғишган жондош ва ҳамдам.
Гул боғлар ҳам, чорва ҳам туташ—
Қурее-ей... деган овозимиз ҳам.

Ўзбек «ака» деса — эҳтиром,
«Оғам» деймиз очиб қучоқни.
Бир маънз ҳам ўртада баҳам...
Кўпдан кутдик бу тенгсиз чоқни.

Нозу неъмат бари ўртада,
Ўртададир еру сув, бойлик...
Дарёмиз ҳам оқар далада—
Пахтазорлар, боғлар чиройлик.

Пахта! Удир тенгсиз жавоҳир,
Пахта иши катта ифтихор.
Қардош ўзбек пахтага моҳир,
Эл қалбида доимо баҳор.

Меҳнат билан яшарар тупроқ,
Жануб—дала гуркирар, унар.
Пахта бунда очилар оппоқ—
Қардошликнинг гули барқ урар!

Мирмуҳсин таржимаси.

Шаҳар меҳнаткашларининг вакиллари тўпланди. КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ш. Р. Рашидов рафиқаси билан, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси раисининг ўринбосарлари В. К. Акулинцев, С. М. Веселов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов рафиқаси билан, Н. В. Мартинов, М. М. Мусахонов, З. Р. Раҳимбобоева, И. И. Федюнинский, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар Қ. Муртазоев, И. М. Нажёсткин, Г. Ф. Наймушин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Сахибоев, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари генерал-полковник Н. Г. Ляшченко, Тошкент саноат область партия комитетининг биринчи секретари П. В. Каймаков, Тошкент қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари М. Абдураззоқов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Р. Н. Нишонов ва республика ҳамда унинг пойтахтининг бошқа партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари қардош Чехословакия вакилларини қутиб олмоқ учун бу ерга келдилар. Кутиб олувчилар орасида Чехословакиянинг СССРдаги элчиси Рихард Дворжак рафиқаси билан бор эди.

Мана, узоқ сафар қилган «ИЛ-18» самолёти ҳам келиб қўнди. Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Антонин Новотний рафиқаси билан ва унга ҳамроҳ бўлган Чехословакия ҳукумати раисининг ўринбосари О. Шимунек рафиқаси билан, ташқи ишлар министри В. Давид, Словакия Миллий Кенгашининг раиси И. Ленарт ва бошқа чехословак меҳмонлар қутиб олувчиларнинг самимий табриклари остида самолётдан тушадилар.

Республика раҳбарлари Антонин Новотний ва унинг йўлдошлари билан қўл қисишиб дўстона кўришадилар. Пионерлар меҳмонларга гулдасталар тақдим этадилар.

Ш. Р. Рашидов микрофон ёнига бориб, нутқ сўзлайди:

Азиз ўртоқ Антонин Новотний! Ҳурматли ўртоқлар, азиз дўстлар! — деди у. Сизни, азиз ўртоқ Антонин Новотний, сизнинг рафиқангизни ва Сизга ҳамроҳ бўлган масъул давлат арбоблари — Шимунек, Давид, Ленарт ўртоқларни, шунингдек ўртоқ Дворжакни, барча азиз меҳмонларни — қардош чехословак халқининг шонли вакилларини Совет Ўзбекистонининг пойтахти — Тошкентда Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан самимий табриклашга руҳсат бергайсиз.

Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатлари бўйлаб қилган масъулиятли миссиянгиз тугагандан кейин Сизни яна кутиб олишдан биз жуда хурсандмиз ва сизларни Совет Ўзбекистонининг экономикаси, маданияти, халқининг турмуши билан таништириш имкониятига эга бўлганлигимиздан ғоят бахтиёрмиз.

Биз, совет кишилари қисқа тарихий давр ичида социалистик қурилишда катта муваффақиятларга эришган қардош чехословак халқининг фидокорона меҳнатига қойил қолмоқдамиз. Республикамизга қилган сизнинг визитингизни биз совет ва чехословак халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва маҳкам ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг ифодаси деб ҳисоблаймиз. Биз аминмизки, бу визит коммунизм тантанаси учун курашда бизнинг янги умумий муваффақиятларимизнинг гаровни бўлади.

Ўзбекистонда бўлган вақтингизни фойдали ва кўнгилли ўтказишингизни истаб, сизни ишонтириб айтаманки, республика меҳнаткашлари сизларни энг ҳурматли ва азиз меҳмонлар сифатида самимий ва хурсандчилик билан кутиб оладилар. Юртимизга хуш келибсиз, азиз дўстлар!

Антонин Новотний жавоб нутқи сўзлайди:

Азиз ўртоқлар ва дўстлар! — деди у. Бутун ўзбек халқининг туйғулари ифодаланган табрик сўзларингиз учун Сизга, ўртоқ Рашидов ташаккур билдиришга руҳсат этгайсиз.

Биз сизнинг республикангизда икки ҳафта муқаддам, Шарқи-Жанубий Осиёдаги дўст мамлакатларга — Индонезия, Камбоджа, Вьетнам Демократик Республикаси ва Бирмага бораётган вақтда бўлган эдик. Сизнинг ажойиб мамлакатингизни кўздан кечирмоқ учун бирмунча вақтга яна сизнинг юртингизга келдик. Сизга ваъда бериб айтаманки, келгуси сафар биз анча узоқ муддатга келамиз. Ҳозир эса афсуски, узоқ туриб қололмаймиз: ватанга қайтиб боришимиз керак, у ерда эса бизни иш кутмоқда.

Биз бўлган мамлакатлар Совет Иттифоқи ва бизнинг республикамиз билан ҳақиқатан ҳам дўстона муносабатда бўлмоқдалар. Меҳнинча, бизнинг визитимиз ўша мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантиришда катта роль ўйнайди, деб ўйлайман. Сизнинг вакилларингиз ҳамма вақт халқимизнинг манфаатларини ифода этганидек бизнинг делегациямиз ҳам ҳамма жойда Совет Иттифоқи, бутун социалистик лагерь номидан иш кўрганлигини ҳам сиз яхши биласиз.

Пировардида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди совет халқи олдига қўйган жуда катта вазифаларни бажариш учун курашда бутун ўзбек халқининг биринчи ўринда бўлишини истайман.

Антонин Новотний ва унинг ҳамроҳлари аэропортдан ўзлари учун ажратилган резиденция томон йўл олдилар. (ЎзТАГ).

ЗЎР СИЁСИЙ АКТИВЛИК БИЛАН

Тошкент тепловоз депосининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари локомотивлардан, ишлаб чиқариш участкаларидан тўпланган тўғри ўз клубларига келдилар. Бу ерда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган сайлов олди йиғилиши бўлди.

Тепловоз машинисти Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Н. Немудров биринчи бўлиб минбарга чиқади. Йиғилиш қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида у Темир йўл сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Шароф Рашидович Рашидовни** кўрсатишни таклиф қилади. Нотиқ ўртоқ Рашидовни совет халқининг содиқ фарзанди сифатида характерлайди, унинг ҳаёт йўли ҳақида гапиради.

Республика совет ҳокимияти органларига сайлов шарафига доғдор машинист ой сайин камида бир процент ёқилғи тежаб қолишга аҳд қилди.

— Бугун бизда катта байрам. Биз Ўзбекистон давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига ўз номзодларимизни кўрсатмоқдамиз, — деди депо кадрлар бўлимининг бошлиғи А. М. Вяхирев. — Мен ўртоқ Рашидов номзодини қизғин қувватлайман. Шароф Рашидович республика саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантириш ишига бутун кучини сарф қилмоқда. Биз уни сиёсий арбоб сифатидагина эмас, балки талантли ёзувчи, камтар ва сезгир ўртоқ сифатида ҳам биламиз. Ўртоқ Рашидов бизнинг ишончимизни оқлайди.

Тепловоз машинисти Н. Комилов ҳам Ш. Р. Рашидов номзодини қувватлаб чиқди. Нотиқ дедики, ўртоқ Рашидов депутат сифатида республикамиз пойтахти Тошкентни обод қилиш йўлида кўп иш қилди ва сайловчиларнинг ишончини шараф билан оқлайди. Комилов сайлов шарафига ўзининг янги мажбурият қабул қилганлигини айтади.

Тепловоз депосининг бошлиғи Ю. З. Перельманга сўз берилади. У ўртоқ Рашидовнинг номзодини қувватлагани ҳолда, Кафанов сайлов округидан депутатликка номзод қилиб машинист ёрдамчиси **София Сандовани** кўрсатади.

Химия лабораториясининг мудири К. А. Галай ва старший нормировщик К. Г. Нагорняк С. Сандованинг илғор ишчи ва актив жамоатчи эканлигини таъкидлайдилар. Бу камтар ишчи ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида ўқимоқда, у меҳрибон онадир.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовни ва машинист ёрдамчиси С. Саидовани Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилинади.

Сайлов олди йиғилиши қатнашчилари округ сайлов олди кенгашларига ўз вакилларини ҳам сайладилар.

ҚАРДОШЛИК РАМЗИ

Е. НАСРИДДИНОВА,

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Шарқда: вақт тоғни емиради, сув тошни кемиради, дейдилар. Лекин совет халқларининг дўстлиги вақтга бўйсунмайди. Йиллар ўтган сари бу дўстлик тобора мустаҳкамлана беради. СССР халқларининг ленинча дўстлигидан мустаҳкамроқ ҳеч бир материал табиатда йўқ... Мамлакатимиз халқлари бирлигининг қудратли кучини кўрсатувчи бу ажойиб сўзларни халқларнинг қадрдон дўсти Никита Сергеевич Хрушчев Тошкентда Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистоннинг жанубий областлари ва Озарбайжон меҳнаткашлари зона кенгаши минбаридан айтган эди.

Буюк қардошлигимизни, мақсадимизнинг умумийлигини, совет кишиларининг бирлигини, кўп миллатли совет оиласининг жипслигини ифода қилувчи яна бир олижаноб воқеа юз берәётган бугунги кунда ана шу ажойиб сўзларни эслаймиз.

Бугун қардош қозоқ халқи Қозоғистон республикасига кирадиган икки район — Чимкент областининг жами ер майдони 959 минг гектардан иборат Пахтаорол ва Киров районларини, Қизилқум районининг Қизилқум ва Чимқўрғон қишлоқ Советларини, шунингдек Чимкент областидаги 1.554 минг гектар яйлов ерларни ва Қизилўрда областидан 1.150 минг гектар яйлов ерларни Ўзбекистон ССР составига топширмоқда.

Бу икки районда қозоқ биродарларимиз пахта етиштириб келганлигини, бир вақтлар гиёҳ унмаган биёбонлар уларнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳосилдор ўлкага айланганлигини биламиз. Бу ерларда йигирманчи йилларда улуғ Ленин декретига мувофиқ Мирзачўлда биринчи ташкил этилган «Пахтаорол» совхозининг пахтазорлари ястаниб ётибди.

Қозоқ халқи, қадимдан пахтачилик билан шуғулланиб келган ўзбеклар бу ерда Қозоғистон пахта усталари бошлаб берган катта ва қийин ишни муносиб давом эттирадилар деб, ўз территориясининг бир қисмини ва шу жумладан асосий тармоғи пахтачиликдан иборат бўлган районларни Ўзбекистонга топширмоқда. Бу — ҳам ўзбек, ҳам қозоқ халқларининг манфаатлари йўлида қилинаётган ишдир. Бу — коммунизм моддий-техника базасини барпо этаётган мамлакатимиз халқлари манфаатларига жавоб беради.

Қозоғистонни донга кон ўлка, Ўзбекистонни эса пахта етиштирувчи асосий ўлка деб атайдилар. Мамлакатимизда озиқ-овқат мўл-кўлчилигини таъминлаш юзасидан КПСС XXII съезди белгилаб берган программадан руҳланган қозоқ биродарларимиз дон ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш учун Ватан олдидаги ўз юксак масъулиятини англаган ҳолда коммунизм қурилишининг бу зарбдор участкасида янги-янги меҳнат жасорати намуналарини кўрсатмоқдалар. Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам ўз ватанпарварлик, интернационал бурчларини ҳамиша эсда тутадилар, улар пахтачиликдаги ҳамма резервларни ишга солиш, янги ерларни халққа хизмат қилдириш, пахта ҳосилдорлигини йил сайин ошириш учун барча чораларни кўришга тайёрдирлар. Зотан дон каби пахта ҳам Ватанимизга тобора кўпроқ етиштириб берилиши керак.

Пахтаорол ва Киров районларининг меҳнаткашлари пахтачилик билан бир қаторда хўжаликнинг бошқа тармоқларини ҳам янада ривожлантирадилар, партия белгилаб берган планларни амалга оширишдек умумий ишимизга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Бир совет республикаси территориясининг бир қисмини бошқа совет республикасига бериш — бу катта сиёсий, давлат ва халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган воқеадир. Чунки бу чинакам ўзаро қардошлик муносабатларига эга бўлган, бутун турмуши ягона социалистик асосда қурилган, олижаноб бир мақсад сари бораётган тенг ҳуқуқли миллатларнинг давлатчилигига хизмат қилади.

Совет халқларининг ленинча оиласида икки қўшни республика — Қозоғистон билан Ўзбекистоннинг дўстлиги мустаҳкамланди ва гуллаб-яшнади. Ўзаро самимий ёрдам, тобора мустаҳкамланаётган иқтисодий ва маданий алоқалар, умумдавлат вазифаларини чуқур англаш, бу вазифаларни ҳал қилишда кучларни бирлаштиришга тайёр туриш ана шу дўстлигимизнинг характерли томонларидир.

Республикаларимиз дўстлигида Советлар мамлакатининг гуллаб-яшнаши йўлида биргаликда ижодий изланиш ва қаҳрамонона меҳнат қилиш намуналари кўпдир.

Республикаларимиз меҳнаткашлари Мирзачўлни ўзлаштириш учун биргаликда ҳужум бошлаб бердилар, қудратли Сирдарёни биргаликда жиловладилар, зилликда бу дарё ҳар икки республика ерларига сув бермоқда; улар қудратли энергетика системасини биргаликда яратдилар.

Темир тоғ ва Бекобод металлурглари, Қарағанда ва Оҳангарон шахтёрлари, Ақтюбинск ва Чирчик химиклари, Олмаота ва Тошкент машинасозлари, Пахтаорол ва Гулистон пахтакорлари, Жамбул ва Томди чорвадорлари бир-бирларининг тажрибаларини қардошларча ўрганиб келдилар ва ўрганмоқдалар, бир-бирларининг тажрибаларини бойитиб, умумий муваффақиятларга эришмоқдалар.

Халқларимиз буюк қардошлигининг ёрқин йилномасига Қозоғистон республикасининг табиий ресурслари бой ва ажойиб соғломлаштириш райони Бўстонлиқнинг Ўзбекистонга берилганлиги ёзиб қўйилган. Ўша пайтда Ўзбекистон меҳнаткашлари бу қарорни чин юракдан миннатдорчилик билдириб кутиб олган эдилар. Қардош Қозоғистон ҳайдалаётган ва ўтлоқ ерларнинг кенг майдонларини Ўзбекистонга бераётган ҳозирги кунда ҳам қалбимизда ана шундай туйғулар жўш урмоқда.

Ҳаётимиз халқларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётган бузилмас дўстлигини, Улуғ Октябрь социалистик революцияси бунёдга келтирган ва Коммунистик партиянинг доно ленинча миллий сиёсатини оғишмай амалга ошириш туфайли қарор топган дўстлигини кўрсатувчи ажойиб мисолларга бой. Бундан тўрт йил муқаддам совет республикаларининг қардошларча ҳамкорлиги ва тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги символи бўлган яна бир воқеа эсимизда: Мирзачўлдан қардош Тожикистонга Ўзбекистон ССРнинг 50 минг гектар ери берилган эди. Бу — ўзбек ва тожик халқларининг, оға-ини халқларининг ҳаётий манфаатлари бирлиги, пахтачиликни янада зўр бериб юксалтириш, кўп миллатли Совет давлатининг куч қудратини янада ошириш учун биргаликда курашиш йўлида қилинган тадбир эди.

Партиямиз Программасидаги коммунистик қурилишни кенг авж олдириш ССРдаги миллий муносабатларнинг ривожланишида янги босқич бўлиб, бу босқич миллатларнинг янада яқинлашуви ва уларнинг тўла бирлигига эришиш билан характерланади деган қоиданинг ҳаётий кучини исботловчи бундан ҳам ишончлироқ, бундан ҳам ёрқинроқ мисол бўлиши мумкинми!

Коммунизмга тобора яқинлашганимиз сайин совет республикалари ўртасида ўзаро ёрдам ва ўзаро алоқаларнинг янги формалари вужудга келмоқда. Партиямизнинг совет республикалари хўжаликларини ҳар томонлама ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг рационал жойлаштирилишини ва табиий бойликлардан планли фойдаланишни таъминлаш, республикалар ўртасида социалистик меҳнат тақсимотини такомиллаштириш, уларнинг меҳнат ғайратларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш, бутун давлат манфаатларини ҳар бир совет республикаси манфаатлари билан тўғри қўшиб олиб боришга қаратилган ленинча йўли ана шунда ўз ифодасини топмоқда.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарори асосида Ўрта Осиё республикалари партия, совет ва хўжалик ташкилотлари фаолиятини координациялаштириб ва мувофиқлаштириб олиб бориш чораларининг амалга оширилиши — КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюроси, Ўрта Осиё халқ хўжалиги кенгаши, Ўрта Осиё пахтачилик бошқармаси, «Средазстрой» ва бошқа Ўрта Осиё органларининг тузилиши партиямиз ленинча йўлининг конкрет ифодасидир. Бу тадбирлар ишлаб чиқарувчи кучлардан янада тўлароқ фойдаланишга ва қардош республикалар равнақига хизмат қилади.

Совет халқларининг оиласи буюк, қудратли ва енгилмасдир. Бу ажойиб оилада ҳамма тенг. Лекин ҳаммамизнинг улуғ оғамиз бор — у улуғ рус халқидир. Биз янги ҳаёт қуришда улуғ рус халқидан ўрганиб келдик ва ўрганмоқдамиз.

Яратувчилик меҳнатимизда Россия ўғил ва қизларининг қаҳрамонона намуналарини кўриб келдик ва кўриб турибмиз. Катта оғамизнинг сиҳий ва самимий ёрдамини сезиб келдик ва сезиб турибмиз.

Қозоғистон территориясидан бир қисмининг Ўзбекистонга берилиши қардош республикалар Олий Советлари ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик кўрилаётган кунларда амалга оширилмоқда. Бу сайловлар дунёдаги энг ёрқин демократия — социалистик демократиянинг тантанаси бўлади.

Қозоғистон территориясидан бир қисмининг Ўзбекистон ССРга берилиши тузумимиз чуқур демократик моҳиятга эга эканлигининг, иттифоқчи республикалар ҳуқуқлари оғишмай амалга оширилаётганлигининг ёрқин ифодасидир. Бу — дўстлигимизни янада мустаҳкамлашга, коммунизм қурилишда янги шонли ғалабалар учун курашда кучларимизни жипслаштиришга хизмат қилади.

Доно Коммунистик партия, унинг атоқли ленинчи, халқ бахт-саодати учун, бутун дунёда тинчлик учун оташин курашчи ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ Марказий Комитети бизни умумий мақсад — коммунизм сари бошлаб бормоқда.

Совет Иттифоқи халқлари ер юзида барча халқлар учун буюк идеалларни: Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодатни барқарор қилувчи коммунизмнинг тўла тантанаси сари Ленин йўлидан дадил, шаҳдам қадамлар билан бормоқдалар.

СУРАТДА: Ильичевск райони далаларида лотоклар монтаж қилинмоқда.

Э. Чикованн фотоси.

ДЎСТЛИК ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Ғафур ҒУЛОМ

□ □

Қардошлик ва қадрдонлик туйғуси асло чегара билмайди. Икки қардош халқ — қозоқ ва ўзбек халқларининг тарихига сира унутилмас шарафли бир воқеа ёзилаётган қимматли дақиқаларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Ҳамиша ўз қўл очиқлиги билан шуҳрат қозонган келган қозоқ халқи бу сафар ҳам ўз биродарлик меҳрини, бағри кенг ўгаҳсилигини намойиш қилди. У ўз еридан Пахтаорол ва Киров районларини, Қизилқум районининг Қизилқум ва Чимқўрғон қишлоқ Советлари, Чимкент, Қизил Ўрда областидаги кўп яйловларни ўзбекларга тақдим қилишга қарор берди.

Қозоқларда «Ўзбек эли ўз оғам» деган сўз бор, ўзбекларда эса «Қозоқ кўзи — темир қозиқ юлдузи» деган ҳикматли гап бор.

Октябрь тонги йўлимизни ёритган биз ўзбекдар, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар, қорақалпоқлар — совет шарқи халқлари темир қозиқ юлдузига, яъни шимол юлдузига, яъни Москва юлдузига қараб йўл олдик, улуғ рус халқи йўлимизда чин оғалик қилди, адашмадик. Бахтимиз қутбининг юлдузлари — Кремль юлдузлари коммунизм уфқида порлайди.

Минг йиллик зеҳнлар киролган ижод
Инсоний етуклик қутби Москва
Халқлар умидининг лутфи
Москва,

Шунга интилади бутун одамзод.
Москва мазмунин тугал
билмакка
Ленин томларини ўқимоқ
керак.
Озод инсонларнинг зафар
йўлига
Нурдан поёндозлар тўқимоқ
керак.
Москва ўргатган биродар-
ликнинг
Мазмунин қамраган дилимиз
билан
Ленин таълим берган билим
туфайли
Ҳаммамиз тушунган тилимиз
билан
СПАСИБО! деймиз бу улуғ
кунда.

Қариндошларим, қаламдошларим, туғишганларим, тенгдошларим Собит, Ғабит, Ғабиден Асқар, Ғали, Абдилда, Сирбой, Ҳамид ва бошқа қозоқ халқ оқинларини ўзбек элида танимайдиган киши йўқ. «Қўй келади қўзи билан, бир-бирининг изи билан» деганларидек, ота Жамбулдан сўнг из босган бизнинг бу қадрдонларимиз қозоқ халқининг янги ҳаётини куйламоқдалар, улуғламоқдалар. Мен улар билан бирга қирда от қувишиб, катта даврада айтишувлар қилиб, бир ўтовда қимиз шопирган ўзбек оқинияман.

Яқинда Қозоғистон адабиётчилари ўзбек адабиёти ва санъати намояндаларини таклиф этиб, бизнинг асарларимизни, ижодларимиз намуналарини қозоқ халқига таништирди. Биз ўзбек ёзувчилари қардошларимиз ютуқлари билан яқиндан таништик: улкан қурилишларда, гуркираб ўсаётган саноат марказларида, чорвадорлар орасида — кенг қозоқ элининг ҳамма бурчакларида бўлдик. Бизга кўрсатилган катта эҳтиром, дўстона мулоқатлар халқимизга кўрсатилган эҳтиромлар деб тушундик. Бузилмас қардошликни бизга В. И. Ленин партияси берган. Ленин даҳосидан нур эмган бу дўстлик қуёшдек абадийдир. Дунёда дўстликдан ҳам аъло, дўстликдан ҳам мўътабар ҳеч нарса йўқ. Бизнинг дўстлигимиз кураш оловларида тобланган, оғир синовларга бардош бера олган метиндек мустаҳкам дўстликдир. Биз ҳар бир ишда ҳамкору дўстмиз. Чорвадорлик илмини қозоқ биродарларимиздан ўрганамиз. Пахтакорлик эса ўзбекларнинг ота касбидир. «Оқ олтин»имиз — беҳисоб матоларимиз билан қардошларимизни кийинтириш фахрли бурчимиздир. Биз қардошлар — бири-миз-биримизга устоз, биримиз-биримизга шогирдмиз.

Ўзбеклар билан қозоқлар минг йиллардан буён бир дарёдан сув ичамиз, еримиз-еримизга, қалбимиз-қалбимизга туташ. Ўтмишда қайғумиз ҳам, шодлигимиз ҳам ўртада бўлган, қиз бериб қиз олганмиз, қуда-қудағай бўлганмиз.

Дўстлик вақт билан ҳам, чегара билан ҳам ўлчанмайди. Бугун қозоқ дўстларимиз ўзларининг улкан районини қардош Ўзбекистонга бераётган экан, бу асрий дўстлигимизнинг рамзидир. Уни биз бағримизни кенг очиб қутиб оламиз. «Пахтаорол»ни пахта бўстонига айлантиришга ҳиссамизни қўшамиз. Райондар ҳам ўртада, мўлкўл ҳосиллар ҳам ўртада, сахий кўздек тўкин дастурхонимиз ҳам ўртада. Сахийликни, саховатни оғамиз рус халқидан ўрганганмиз.

Мен бу дўстлигимиз ҳақида аввал ҳам тўлқинланиб куйлаганман, ҳамма вақт куйлайман. Дўстликни куйлашдан ҳам шарафли иш борми.

ЗУЛФИЯ

КЎКЧАТОВ

Қардош Қозоғистонга бағишланган «Юрак ҳамма вақт йўлда» шеърлар туркумидан.

Кўкчатов тавсифин қозоқдан
сўранг,
Менинг қалбим кўчиб, қамашди
нўзим.
Нур манри, сув анси, ишқдай
мовий ранг
Табиат қулига айландим шу
зум.
Бу ҳам кам, юракка чанг солиб
ошкор,
Бу ер гўзаллигин чиқди шоири.
«Кўзгу керак бўлса Ойна
Кўлни ол,
Бунда сен кўрмаган хуснинг
бор»—деди.
Шу ойна Кўлингнинг тоши
бўлай мен,
«Раққоса қайин»лар ичра
йўқолай.
Этакдан, киприкдан, сочдан
торт, кейин
Мен ўтли сеҳрингни қўшиққа
солай!
Бу ернинг тоғидан замонга
боққан
Менинг икки кўзим нақ бир
жуфт жайрон—
Меҳрим қайноқ елдай ёйилиб
кетган
Уфқни сиғдирсам сиз бўлманг
ҳайрон.
Ҳар сўқмоқ чорлайди қўшиқ
йўлидай,
Энди қалб чўлдай тинч қилмас
замзама.
Арчаларнинг нурга чўзиқ
қўлидай,
Ташна дил ҳар бардан қилиб
куй тама—
Саҳро қуёшидай ёнади лов-лов,
Сўзлар алангада қолар пишгали.
Мен боқиб тураман тийрак,
беаёв
Утдан омон чиқиб дилга
тушгали.
Бунда ҳар дил боқар бургут
сиёқли,
Тоғдай арслонтўш-у, булоқдай
тиниқ.
Сукути вулқондай олов
қаҳқаҳин.
Куйи тубсиз ором, илк ишқдай
ёниқ.
Хўплам қимизингнинг
жаннатдай майин.
Минг битта баҳорни ёдимга
солди.
Қай қиёқ, лолангнинг силаи
кафти,
Манглайдан умримнинг изи
йўқолди.
Оппоқ, Қиз ўтовинг дилгинамга
хуш,
Дўмбиранг онамдай ширин
аллалар.
Танти дўст, машинанг бир кун
нетсин бўш,
Ё у кўлга ташла-юрсин
парилар.
Олиб кетма, яшил жаннат
қўйнида,
Олий дастурхонга минг қатла
узр.
Сахийлик шоҳисан, бу бокира
ер,
Мунис нафасидан олайлик
ҳузур.
Мезбон оқинимиз тогдай турар
тик,
Қийиқ кўзларида майин
қатъият.
— Мушоира кутар овулда! —
нетдин,
Шеъриятга шеърхон қокимдир
фақат.
Дил ташлаб, дил олиб мен тушдим йўлга,
Бургут сиёқлида тиниқ ашиқ
қолди.
Қалбим нигоҳлари етмаган
нуйга,
Юрагимни тирнаб ажиб рашк
қолди...
17.12.62.

ҚАРМОҚ

Қозоғистон, қармоғинг
Сеҳр экан тушиб қолдим.
Балиқмасман, қургоғинг,
Қуёшингдан тоб олдим.
Мен меҳр қармоғига
Ўзим келиб тушаман.
Чунки, ҳис тугёнидан,
Жон тоқаман, жўшаман.
Қармоғингни чуватиб,
Тўқидим ундан ҳлан.
Зора бир ўтовингда,
Қололсам ўлан билан.
15.11.62.

МИРЗАЧЎЛ—ДЎСТЛИК БЎСТОНИ

Бу ўлкада йилнинг тўрт фасли ҳам баҳор, деса бўлади. Календарда хазон резги, олтин япроқларнинг ширт-ширт узилиб хиёбонларга сочилгани акс эттирилган-у, Мирзачўлда гўё саратондагидек қуёш ёғду сочиб туради. Еш терак, қайрағоч ниҳоллари кўм-кўк яшнаб туради. Ариқ рошларида, дала четларида майин майсалар ям-яшил бўлиб кўзни қамаштиради.

Ариқлар лиммо-лим. Тошқин сувлар келяпти. Йўлларда, далаларда, анҳорларда сув. Пахтакорлар шўр ювяптилар. Сахий тупроқ сувни сиқиради. Феруза осмонда ҳам, кўпчиган хамирдай семириб ётган далаларда ҳам, кўркам посёлкаларда ҳам, майин эсган шабадада ҳам — ҳамма-ҳаммасида баҳор нишонаси.

Яшараётган навқирон чўлнинг сирли бу манзараларига термулиб, ўйлайсан киши: Мирзачўлга ҳаёт бахш этган бу афсонавий баҳодир ким?

Бундан 100 йил муқаддам Мирзачўлда бўлган синчков инженер А. Ульянов афсус-надомат билан бу чўл ҳақида бундай деб ёзган эди: «Агар сиз бу ерда карвонларга дуч келиб қолсангиз, улар сиздан қўрқиб қочиб кетаётганини кўрасиз. Қўрқишнинг боиси — кишининг сувсираб қолиши. Бу ерда сув олтиндан қиммат туради. Йўлдан адашишни ёки сувингиз тўкилиб кетишини худо кўрсатмасин сизга. Бу ерда ҳеч кимдан мадад ололмаслигингизга амин бўлаверинг. Бунинг устига май ойиданоқ ҳарорат 40 градусга кўтарилиб, кишини эзиб қўяди. Ниҳоят «ёқимли тунда» тошбақа ва қорақуртлар билан бирга бўлишни кўз олдингизга келтиринг. Шундагина сиз Мирзачўл ҳақида маълум бир тушунчага эга бўласиз».

Юз йил! Қадимий ернинг тарихидан бир зарра бу! Инсоният тарихи китобида эса фақат бир варақ, биргина саҳифа! Лекин биз шу қисқа муддатда унинг саҳифаларида шундай из қолдирдикки, авлодларимиз уни ғурур ва ифтихор билан эслайдилар. Мирзачўлни жиловлаш соҳасидаги ишларимиз ҳам уларни ҳайратга солади, тўлқинлантиради.

Мирзачўл... Бу ҳақда Никита Сергеевич Хрушчев бундай деган эди: «Мирзачўл ишлаб чиқариш ва турмушни коммунистчасига ташкил этишнинг тимсоли бўлади ва бўлмоғи керак».

Биз уни ҳамон Мирзачўл деб атаб келмоқдамиз, у эса аллақачонлар мўл-кўлчилик, фаровонлик ўлкаси, хазинаси бўлиб қолган. «Чегара» белгисининг у ёғида ҳам, бу ёғида ҳам ажойиб воқеаларни кўрасиз.

Биз, икки қардош республика — Ўзбекистон ва Қозоғистон журналистлари бундан юз йил муқаддам рус инженери, собиқ Романов канали проектининг автори А. Ульянов бўлган жойларда бўлиш, у юрган йўллардан юришга қарор қилдик.

Сирдарё посёлкасидан бошланиб, «Пахтаорол» совхози оралаб Жетисой томон чўзилиб кетган, қуёшдай ялтираб турган, лентадек товланган катта йўл қаерга бориб тугашини ким билади дейсиз. Илгари бу йўл Киров каналидан ўтиб (собиқ Романов канали) Жетисой районининг марказигача борарди. Яп-яйдоқ даштда янги хўжалик — Ленин номли пахтачилик совхози ташкил этилди. Шундай қилиб бу йўл ҳам тобора шимолга, чўл ичкарисига қараб чўзилиб кетмоқда.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ерларини бир-биридан ажратиб бўлмаса-да, икки қардош эл ўлкасининг ўртасида «чегара» деган белги қўйилган (у фақат географик карталардагина белгиланган). Шундай бўлса-да, йўловчилар, шоферлар бу ерда бир фурсат дам олишади. Бу одат тусига кириб қолган. Кечагина ана шундай қилинарди. Энди эса чегара шимолга қараб сурилиб кетди, «чегара» белгиси шимолга қараб кўчди.

Қозоқ эли ўзбек қардошига сахийлик билан ажойиб туҳфа тақдим этди: «Сизлар — пахтанинг устасисизлар, бизнинг пахтакорларимиз сиз қардош ўзбеклар билан қўлни қўлга бериб, аҳил оилада «оқ олтин» етиштиришади. Ота-Ватан Олатовдан ҳам баланд «оқ олтин» хирмонларига эга бўлади, — дейишди улар.

... Ана, «Пахтаорол» — Мирзачўл дарвозаси. Бир йилдан сўнг совхоз коллективи «Пахтаорол»нинг 40 йиллигини нишонлайди. Совхознинг марказий посёлкасида унча катта бўлмаган антиқа бино бор. Бу ерда совхоз музейи жойлашган. Бу музей Мирзачўлни ўзлаштириш тарихидан ҳикоя қилади.

«Пахтаорол» ерлари яшил дуҳобадек узоқ-узоқларга чўзилиб кетган, унинг атрофида бошқа колхоз ва совхозларнинг пахта далалари, боғлари бор. Бундан 40 йил муқаддам «Пахтаорол» бепоён Мирзачўл этагида кичкинагина пахта ороли бўлганлигига киши ишонмайди.

— Нима учун ишонмайсиз? — деб сўрайди совхознинг «Коминтерн» бўлими бошқарувчиси Федор Александрович Орлов, — мен отам билан бу ерга келганимда яйдоқ чўлдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Федорнинг отаси «Пахтаорол» совхозининг биринчи директори бўлган. У йигирма йилдан ошиқ вақт бу пахтачилик хўжалигига раҳбарлик қилди. Армия сафидан қайтган Александр Орлов эса қўлига кирка, бел ушлаб қадамба қадам ўртоқлари билан янги ер очишди. Мирзачўл қалдиргочлари енгилмадилар, чўлни енгдилар: улкан даштда бир ирмоқчадек пайдо бўлган «Пахтаорол» кейинчалик улкан пахта хазинасига айланиб кетди.

(Давоми тўртинчи бетда).



СУРАТДА: Ильичевск районидаги қўриқ ерда ташкил этилган 17-пахтачилик совхозида ерларни планлаштириш.

Э. Чикозани фотоси.

ЧЎЛ ХАЗИНАСИНИ ҲАМКОРЛИКДА ОЧАМИЗ

Социалистик қишлоқ хўжалигимизнинг ривожланиши илғор агротехника, механизация билан бирга ўзаро ҳамкорлик, яхши тажриба ва ташаббусларни биргаликда амалга оширишга асосланган. Никита Сергеевич Хрушчев партиямизнинг съездлари, пленумларида қилган докладларида, шунингдек зона кенгашларида сўзлаган нутқларида буни такрор-такрор уқтириб ўтди.

Бизнинг колхозимиз ва районимиз Қозоғистон ССР нинг маркази — Олмаотадан салкам минг километр, Чимкент областидан 250 километр узоқда жойлашган. Шунга қарамай хўжалигимиз бошқалар қатори ҳамма нарса билан ўз вақтида етарли таъминлаб келинди. Шунинг учун ҳам шароити оғир бўлган Мирзачўл тупроғида пахта ҳосилдорлигини оширишда, экономикани юксалтиришда, колхозчиларнинг моддий ва маданий турмушини яхшилашда каттагина ютуқларни қўлга киритдик.

Колхозимиз ерларидан бир вақтлар 7-8 центнердан ҳосил олинар эди. Ўтган йили 1300 гектар ернинг ҳар гектаридан салкам 26 центнер дан ҳосил олдик. Ўртоқ Николай Ли бошлиқ бригада 185 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 39,5 центнердан хирмон кўтарди. Хўжалигимизнинг бир йиллик даромади 1 миллион 300 минг сўмга етди.

Мирзачўл бағридан ҳар йили янги ер очиб, экин майдонларимизни тобора кенгайтирмоқдамиз. Ҳозир суғориладиган экин майдонимиз 2320 гектарга етди. Бу эса пахтанинг йўлдоши бўлган бошқа экин майдонларини кўпайтиришга катта ёрдам бермоқда. Биргина маккажўхори майдони 352 гектарга етди.

Қозоғистон ССР дан иккита йирик пахтачилик ишлаб чиқариш бошқармасининг, шу жумладан, бизнинг колхозимизнинг Ўзбекистон ССР территориясига қўшиб берилишидан биз бениҳоя мамнунмиз. Бу тадбир партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигига яқиндан оператив раҳбарликни кучайтириш тўғрисида қилаётган ғамхўрлигининг яна бир ифодасидир. Биз шу вақтгача ҳам ўзбек пахтакорлари билан бамаслаҳат ишладик, илғор тажрибаларимизни ўртоқлашиб келдик. Эндиликда ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланади.

Бу йил биз 1300 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта, маккажўхори майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан дон, 500 центнердан силосбоп кўкпоя олиш ва бошқа экинлар ҳосилини ҳам кескин равишда кўтариш мажбуриятини олганмиз. Пахта майдонларини шудгорлаш тугалланай деб қолди. Ҳамма бригадаларда яхоб бериш қизғин бормоқда.

Биз энди устоз ўзбек пахтакорлари билан бирга совет пахтачилигини ривожлантиришда, Мирзачўл бағрини очиб, боғ-бўстонлар яратишда янги муваффақиятларга эришиш учун тинмай курашамиз.

Лев ЧАН,

Киров ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Заря коммунизма» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қозоғистон ССР Олий Совети нинг депутати.

ДЎСТЛИГИМИЗ ҚУЁШДАЙ ПОРЛОҚ, АБАДИЙ!

ПЎЛАТДЕК МУСТАҲКАМ

Бекобод металлургия заводида менинг қалин дўстим бор. Бот-бот учрашиб турамиз. Хат ёзишиб туришни канда қилмаймиз. Ҳуллас бир-биримизни эслаб турамиз. Ошнам ҳикоя қилган бир воқеа ҳали-ҳали эсимда. Қозоғистон металлургия заводида эритилган пўлат уни ўлимдан қутқарибди. Дарвоқе, шундай бўлса ҳам ажаб эмас. Уруш вақтида дўстим танкист бўлган. Биз уруш йилларида пўлатни душманни қириб ташлаш, дўстларга мадад бериш учун, Ватанни фашист ғалаларидан ҳимоя қилиш учун эритганмиз. Ўзбекистон ва Қозоғистон пўлати дўстлигимизнинг ёрқин тимсоли.

Ўзбекистон ва Қозоғистон металлургия заводлари урушнинг оғир йилларида, «Ҳамма нарса фронт учун! Ҳамма нарса ғалаба учун!» деган жанговар шиор ҳамма қардош тилларда, шу жумладан, қозоқ ва ўзбек тилларида баралла жаранглаган оловли йилларда барпо этилди. Урушдан сўнг эса заводларимиз тарихида янги саҳифа очилди. Корхоналаримиз ишчи ва инженер-техник ходимлари ижодий ҳамкорликда ишламоқдалар. Биз қозоқ металлурглари 10 йилдан буён ўзбек металлурглари билан мусобақалашаётирмиз. Ютуқларимиздан қувониб, камчиликларни тезроқ бартараф этиш йўлларини бамаслаҳат топмоқдамиз.

Ўзбекистон металлурглари мартен печлари тубига ётқизиладиган материалларни тайёрлашнинг янги методини мамлакатда биринчи бўлиб ўзлаштирдилар. Бу янги методни қозоқ металлурглари таклиф этган эдилар. Шу кунларда эса Бекобод металлурглари пўлат қуйишнинг узлуксиз усулини муваффақият билан жорий этмоқдалар. Биз қозоқ металлургияси бу соҳада ҳам ўзбекистонлик ҳамкасбларимиздан ўрнак олсак, ўргансак арзийди.

Мен қардошларимиз ҳузурида яқинда меҳмон бўлдим. Дўстларимизнинг меҳмондўстлиги, меҳрибонлигидан ғоят хурсандман. Биз меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган кўпгина янгиликларни кўриб қайтдик. Уларни ўз заводимизда жорий этиш учун курашмоқдамиз.

Кеча жанубий Қозоғистондаги икки пахтакор районни қардош Ўзбекистон республикасига бериш ҳақида Фармон эълон қилинди. Мен бу Фармонни жон-дилдан қўллаб-қувватлайман.

Ўзбекистон азалдан Ватанимизнинг асосий пахта базаси. Пахтакорлик ўзбеклар учун ота касб. Пахтани парвариш қилиш ва етиштиришда ўзбекистонлик мирзакорларнинг тажрибаси ва билими ғоят катта. Шунинг учун ҳам улар пахта етиштириш учун қулай бўлган ва бугун қардош Ўзбекистон территориясига қўшилаётган ер ва сувдан янада унумлироқ фойдаланадилар. Бу районларда пахта ҳосилини яна ҳам оширадилар. Мирзачўлнинг бу қисми ҳам гуллаб яшнаётган воҳага айланади. Шу сабабли ҳам кеча эълон қилинган Фармон қардош ўзбек халқига қозоқ халқи меҳр-муҳаббатининг ёрқин нишонасидир.

Коммунизм байроғига «Меҳнат, Тинчлик, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодат» деган мўътабар сўзлар ёзилган. Шу байроқ остида мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун курашаётган миллатлар ва элатларга миллий маҳдудлик ва чекланганлик мутлақо бегона. Чунки биз улуғ ва бағри кенг Ватаннинг—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг фарзандимиз. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик пўлатдек мустаҳкамдир. Мамлакатимиз экономикасини янада ривожлантириш учун бундан буён ҳам хормай-толмай ишлайверамиз.

Қошқинбой БЕРИКБОЕВ,
Қозоғистон металлургия заводининг пўлат эритувчиси.

РАҲМАТ СЕНГА, ТУРСУНОЙ

Мактабда ўқиб юрган вақтимда трактор, автомашина ва комбайнларни бошқарувчиларга ҳавас билан қараганим ҳамон эсимда. Трактор рулига ўтириш — менинг орзу ҳавасим эди. Мана, шу орзумга ҳам эришдим. 1960 йилда, курсни битириб чиққанимдан сўнг дастлабки гектар ерларни ўзим мустақил ҳайдадим. Ўша куни, менга курсда таълим берган Петр Попов ва бошқа механизаторларни миннатдорчилик билан эсладим.

Шуниси сир эмаски, баъзи қариялар пичинг қилиб:

— Хотин киши ҳам трактор ҳайдайдими, бу—мушук хашак ейди деган билан баравар,—дейишарди. Лекин, трактор эркаклар қўлида қандай ишласа, менинг изимда ҳам шундай юра бошлади. Иш натижам ҳам чакки бўлмади.

Ўша вақтда биринчи марта пахта териш машинасини бошқарган ўзбек қизи Турсуной Охунованинг муваффақиятлари, унинг «Қизлар—терим машиналарига!» деган чақириғи бутун мамлакат бўйлаб янгради.

Мен унинг тажрибалари тўғрисида газеталардан ўқидим. Кейинчалик эса бу ажойиб аёл билан учрашиб, дўстона суҳбатлашишга муваффақ бўлдим. Шундан сўнг худди Турсуной каби пахтани машинада теришни ўргангим келиб қолди.

Ўтган йили мен ўз комбайнимда 303 тонна «оқ олтин» тердим. Машинам бетўхтов ишлади. Мен бу ютуққа дугонам Турсуной Охунова тажрибасини пухта ўрганганлигим туфайли эришдим. Устозимга янги муваффақиятлар тилайман.

Эндиликда бирга ишлаб, бир-биримизнинг тажрибамизни ўрганиб, янада юқори кўрсаткичларга эришамиз, техника қувватидан тўла фойдаланамиз. Пахта плантацияларида механизатор аёллар армияси сафини кенгайтирамиз.

Фотима УРИМБОЕВА.
Пахтаорол ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Пахтаорол» совхозининг механик-ҳайдовчиси.

Суратда: Фотима УРИМБОЕВА.

И. Глауберзон фотоси.

СОВЕТЛАР ЮРТИ—МЕНИНГ ВАТАНИМ

Ўзим туғилиб ўсган, вояга етган ва умрим охиригача ардоқлаб яшайдиган жонажон Қозоғистонимга ҳар гал хаёлан назар ташлаганимда, узоқ вақтгача ҳаяжонимни боса олмайман. Белорус, украин, грузин, тожик, литвалик ва бошқалар ҳам ўз республикасининг ўтмишига, ҳозирги куни ва келажагига муҳаббат билан назар ташласа, мен каби ҳаяжонланса керак, деб ўйлайман.

Мен қозоқман, баъзан бизни чўл ўғлони дейишади. Ҳолбуки, Қозоғистон фақат чўлдан иборат эмас. Менинг республикам қудратли Волгадан Олтойгача, Сирдарёдан қадимий Урал тоғларига қадар ястаниб ётибди: кекса Каспий ва сершув Орол ҳам, сокин Балхаш ҳам, картада янги пайдо бўлган Бухтарма денгизи ҳам шу ерда. Осмон билан ўпишган тоғлар ва тог сўқмоқлари, малиназорларида айиқ изи тушган қалин ўрмонлар ҳам шу ерда. Бу ерда қўёш нуридан ярқираб турувчи миналаб кўллар ва Катон-Қарагай дарахтзорлари жойлашган. Жазирама иссиқ аримайдиган Қоракум ва денгиздай бепоён ўтлоқлар. Мевали боғлари билан донғ қозонган Шерубюк ерлари, Бетпоқдала ҳам шу ерда. Ер остида темир ҳам, олтин ҳам, кўмир ҳам, қўрғошин ҳам бор—битмас-туганмас хазина.

Лекин бу ерда ана шу бойликлардан ҳам муҳимроқ нарса йўқ эди. Бу ерда камбағал кўчманчи учун бахт йўқ эди. У бахт тўғрисида фақат орзу қилар, куйлар, қўшиқ ва афсона тўқир, бу қўшиқ ва афсоналарни асрлардан-асрларга олиб ўтар эди. Бу ерда қураш кетар, қон тўкиларди-ю, аммо бахт йўқ эди. Озодлик жарчиси Махамбет Ўтемисов ҳам, буюк Абай ҳам, рус армиясининг офицери, қозоқ халқининг ажойиб фарзанди Чўқан Валиханов ҳам, маърифатчи-педагог Ибрай Алтинсарин ҳам шу бахт учун курашдилар.

Лекин улар қозоқлар тақдирини ўзгартира олмасдилар. Халқ ўз ерининг хўжайини эмасди. У ўз ерининг фақат ўзи яшаб турган қисмигина биларди. Қозоқ халқининг тақдирини 1917 йилнинг ҳужумкор Октябри ўзгартирди.

Бахт ҳақидаги афсоналар орзу ҳавасдан ҳақиқатга айланди. Рус ишчилар синфи, рус солдатлари, рус деҳқонлари, коммунистлар шу бахт учун курашиб, уни қўлга киритишда қозоқларга ёрдам бердилар. Қозоқ камбағалларига бевосита ёрдам берганлар орасида рус халқининг Михаил Фрунзе, Дмитрий Фурманов, Павел Виноградов, Василий Чапаев каби машҳур фарзандлари бор эди. Улар орасида Алғаби Жондилдин, Сакен Сайфуллин, Омонгелди Имонов, Ўмар Дўшчанов каби қозоқ фарзандлари ҳам бор эди.

Шундай қилиб республика бунёдга келди. Менинг республикам—Совет Қозоғистони. У кўз олдимда турибди. Мен республикам картасига тикилиб, бу картада қозоқ ери тўғрисида қанча нарсалар айтиб бериши тўғрисида ўйламоқдаман. Лекин ҳеч қаерда, ҳеч қайси мамлакатда географик карталар бизнинг мамлакатимизда ҳозирги кунлардаги каби тез эскирмайди.

Қосим ТЎҒУЗОҚОВ,
ёзувчи.

<>

Балхаш кўли атрофидаги чўлда кишлоқлар кўчиб юришганда, Совет ҳокимияти Бертис кўрфази қирғоғида шаҳар ва мис эритиладиган катта завод қурмоқчи эканлигини эшитишгач, кекса Куруш бунга ишонмай шундай деган экан:

— Вой, пирим-ей! Балхаш қирғоғида шаҳар ва завод қурилади? Ҳовучлаб сочиб кўл сувини тугатсам ҳам шаҳар қурилишига ишонмайман.

Ҳозир эса Курушнинг ўғиллари ва неваралари Балхаш заводида эритувчи, Қозоғистон магнитказида домначи, Олмаота ядро физикаси институтида лаборант, Қарағанда шахталарида инженер бўлиб ишлмоқдалар.

Кекса Курушнинг Балхаш сувини ҳовучлаб сепиб қуритаман деган афсона бўлиб қолди. Совет ҳокимияти Бертис кўрфази қирғоғида завод ва шаҳар қурди. Бу ердаги уйлар Ленинградни эслатади. Эндиликда қўён ботиб, қоронғилик чўккач, сал шамол эсса ўчиб қоладиган қора чироқ эмас, ўчмас чироқлар денгизидай бўлиб кўринади.

Шунча чироқларни ёлғиз ўзимиз ёқа олмас эдик. Бундай чироқлар бутун республикамизда ёқилди. Уларни ёқишда руслар ҳам, украинлар ҳам, белоруслар ҳам, ўзбеклар ҳам — бепоён Ватанимизда яшаётган барча халқлар бизга ёрдам бердилар.

Улар партия чақириғига биноан дарҳол бизнинг юртимизга Магнитка ва Кентовни, Иртишда электростанция ва Соколовск-Сарбайск комбинатини, Иртиш-Қарағанда каналини ва дўстлик йўлини қуриш учун келдилар.

Халқлар ўртасидаги дўстликнинг куч-қудрати шу қўрқ ерда яна бир синовдан ўтди. Бу дўстлик эса қозоқ Қосим Кайсенов Украина ерларини ўз ватани каби ҳимоя қилган Улуғ Ватан уруши фронтларида халқларимизнинг қони билан мустаҳкамланган эди. Уруш вақтида Момиш ўғли Москва учун худди ўз овули учун курашгандай жанг қилган бўлса, рус солдатлари Россияни ҳимоя қилиб, менинг республикамни ҳам фашизм қулигидан сақлаб қолдилар.

Мен қозоқман, чўл ўғлониман, Қозоғистон ўтмишдагидай бўлганда ҳам уни севардим. Энди эса янги туғилган, гуллаган ўлкамни минг карра кўпроқ севаман.

Эндиликда ҳар бир қишлоқ бригадасида, колхоз звеносида, ўқув юртида, заводда рус билан қозоқ, арман билан туркман, латиш билан ўзбек ва аджарлар билан грузин биродарлик ишлаши одат бўлиб қолди. Уларнинг ҳаммаси бир мақсад сари интилади, улар бир-бирларининг қувончига ҳам, қайғусига ҳам шерик бўлишади. Уларнинг ҳаммаси учун Ватан манфаатлари азиз ва мўътабар. Совет Иттифоқидаги барча республикалар эса улар учун Ватан бўлиб қолган.

Биз қозоқми ёки уйғурми, литвалик ёки чувашми—барибир совет кишиларимиз. Миллатларнинг ягона коммунистик жамиятга қўшилиш процесси давом этмоқда.

Никита Сергеевич КПСС XXII съезди минбаридан туриб республикаларимиз чегаралари ўзининг олдинги аҳамиятини йўқотди. Бу чегаралар кишиларни бир-биридан ажратмайди, балки уларни бирлаштиради, деганида минг марта ҳақ эди. Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Мирзачўлдаги пахтакор районларни Ўзбекистонга топшириш тўғрисидаги Фармони бунга мисол бўла олади. Қозоғистон территориясининг бу қисмини кўнглимизда ачиниш билан ажратиб бераётганимиз йўқ, балки кўп халқларнинг одатида дўстларга нон-туз бергандай, биз ҳам ўз яхши қўшнимизга бу ерларни чин кўнгилдан бермоқдамиз.

Бунинг боиси бор: эндиликда Советлар мамлакатида пахтани қозоқларми, туркманларми ёки ўзбекларми—ким экиши аҳамиятли эмас. Бу ишда ким катта тажриба орттирган бўлса, ўша эксин. Барибир уларнинг меҳнати бутун мамлакатимизнинг мўл-кўлчилик дастурхонига қўшилади.

Қозоқ ёки ўзбек, украин ёки бурят бўлишига қарамай ҳар биримиз фахр билан:

—Россия—менинг Ватаним, Советлар юрти—менинг Ватаним дея оламиз.

Мен қозоқман. Мен ўз ўлкамни, ўз республикамни севаман. Лекин Тинч океандан Карпатгача чўзилган кўп миллатли социалистик Ватанимизни ундан кам севмайман. Мен баралла:

— Советлар юрти—менинг Ватаним!—дея олишим билан фахрланаман.

«Пахтаорол» — йирик хўжалик бўлиб, унинг аҳил коллективи совхоз экономикасини юксалтириш йўлида куч-ғайратини аямай меҳнат қилмоқда. Ушбу суратда (чапдан ўнгга) ана шу фидокорлардан бир группасини: бўлим бошқарувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ф. А. ОРЛОВ, бригада бошлиғи Тўрабек САФАРОВ, бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қодирбек МАХАНОВ, ишчи Турсунбой ЖЎРАЕВ, бригада бошлиқлари Тўймурод ҲИДИРОВ ва Қистовбой ОМОНОВ ўртоқларни кўриб турибсиз.

И. Глауберзон фотоси.

ҚУДА-ҚУДАҒАЙМИЗ

Ҳ. ТУРСУНҚУЛОВ,
Тошкент область, Янгийўл районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати.

Колхозимизда ўн беш миллат вакиллари бор. Улар бир ёқадан бош чиқариб, бир жон-бир тан бўлиб фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ҳаётбахш дўстлигимиз коммунистин мўл-кўлчилик дастурхонини тобора бойитишда ҳам ўз кучини кўрсатяпти.

Рус ўзбекка, ўзбек қозоққа, қирғиз туркманга, тожик озарбайжонга қон-қариндош, қондош-жондошдир. Пўлатдан мустаҳкам, океанлардан қудратли дўстлигимиз уруш синовидан ҳам, шонли меҳнат, тинч қурилиш йилларида ҳам қайта-қайта катта имтиҳондан ўтди.

Ўзбек билан қозоқ ерлари азалдан туташ. Бир дарёдан сув ичамиз, бир яйловда мол боқамиз, бир-бирига туташ ерларда деҳқончилик қиламиз, абадий ҳамкормиз. Сира чегара билмайдиган бундай дўстликни ленинча дўстлик деймиз. Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси шонли Коммунистик партия бу дўстликнинг ижодкоридир.

Турли миллат фарзандлари кўлни кўлга бериб катта Фарғона каналини қазидик, улуғ Ленин орзуларини рўёбга чиқариш учун бир томондан ўзбеклар, иккинчи томондан қозоқ халқи, учинчи томондан тожик халқи Мирзачўлни гулистон қилмоқдамиз.

Биз бахтиёр қозоқ халқи Бўстонлиқни ўзбек халқига туҳфа қилганида қанчалик қувонган бўлсак, қондош-жондош дўстимиз бизга Мирзачўлдаги пахтакор районларни ва унум. дор ерларни топширишга қарор қилганини эшитиб тағин мамнун бўлдик.

Ўзбекнинг боғи қозоқнинг ҳам чаманзоридир. Ўзбек «оқ олтини», Қозоғистон бугдойи қанча кўп бўлса, севикли Ватанимиз шунча гуллаб-яшнайверади.

Биз қозоқ халқининг дўстлик туҳфасидан чексиз миннатдормиз. Мирзачўлни ҳаммамиз бирга, биргаликда ўзлаштириб, коммунистин мўл-кўлчилик воҳасига айлантирамиз.

Академик шоиримиз Ғафур Ғулом халқлар дўстлиги тўғрисида жуда яхши гап айтган: халқларимиз бири-бирига шогирд, бири-бирига устоздир. Шеърхонлик бошланса, Ғафур Ғулом қозоқ шоири Собит Муқанов билан айтисувга врайди. Жамбул ўланларини Ҳамза шеърларидек ёқимлидир. Биз ўзбеклар қозоқ халқининг улуғ ёзувчиси Абай асарларини қозоқча ҳам, ўзбекча ҳам ўқиб бирдек завқ оламиз. Бирга мол боқиб, бирга деҳқончилик қилиб, ернинг жамолини очаверамиз, қўлни қўлга бериб коммунизм қурамиз.

ОЛОВ ДАРЁСИ

Яқин-яқинларда ҳам бу олов дарёсидан кўп одам бехабар эди. Ҳозир қурувчилар олимларнинг эътибори ўшанда. Қорақалпоқ чорвадорлари, Орол балиқчилари, Ғарбий Қозоғистон ўлкасининг ғаллакорлари олов дарёсининг етиб келишини кутмоқда. Дўстлик ва ҳамкорлик натижасида топилган «зангори олов» ҳадемай минглаб квартираларда ёна бошлайди.

Ҳозирча қудратли бульдозерлар овози гурулламоқда, кўтарма кранларнинг «қаноти» забт этилган чўлга тез-тез таъзим қилиб турибди. Кўҳна Бухородан Уралга қараб газ магистрали қураётган тўрли тилларда сўзлашувчи кишиларга ачиқ совуқ ҳам, изғирин шамол ҳам писанд эмас. Қардош Ўзбекистоннинг жанубига чўзилган олов дарёси ҳозир Қозоғистон чўлларини кесиб ўтмоқда.

Газопровод қурилишида Андрей Потирник бошлиқ пайвандчилар айниқса яхши меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳар куни ўн беш бўлак қувур ётқизиб, олов трассасини узайтирмоқдалар ва смена топшириқларини 1,5 баравар бажармоқдалар.

Оёққум районида ишлаётган Николай Прокопенко бошлиқ механизациялашган колонна яқинда ўз участкасида охирги қувурни ётқизиб бўлди, шундай қилиб Михаил Дерябин бошлиқ пайвандчилар ишлаётган участкага етиб борди. Ҳозир олов трассаси Бухородан Уралга томон минг километр одимлади.

Бухоро — Чимкент газопроводи қуриб битказилди. Бу ерда юзлаб квартиралар газлаштирилди.

С. ЧЕСТНОВ.

ВИЖДОН АМРИ

Совхозимиз — йирик, юксак рентабелли хўжалик. Бундан 40 йил муқаддам совет кишиси қуёш қовжиратиб ташлаган ташландиқ ерга биринчи қозиқни қоқиб: «шу ерда посёлка қад кўтаради. Ариқларда сувлар тўлиб оқади, далаларда пахта етишади, сол-салқин дарахтзорлар ва боғларда мева, узум пишади!» деган эди.

Ана шундай бўлди. Эндиликда «Пахтаорол»ни мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам билишади. Бу ерда 40 миллат вакиллари яшамоқда ва меҳнат қилмоқда. Улар чинакам ажойибот яратмоқдалар: илгари сувсизликдан ва жазирамадан кўкатлар ҳам қуриб қоладиган, туялар ҳам четлаб ўтадиган бир жойда пахта кони яратилди. Илгари ўтларни қовжиратиб келган қуёш ҳам кишиларнинг биринчи ёрдамчисига айланди.

Аввал Мирзачўлдан бир гектар ерни торгиб олиш қийин эди, пахтаоролликлар эса ўтган йили 5250 гектар ернинг ҳар гектаридан 24 центнердан «оқ олтин» ҳосили ундириб олдилар. Ўз участкаларида ҳар гектар майдондан 35-40 центнердан пахта олган машъалларимиз: Етбой Усембеков, Мамик Тоғжигитов, Ўроқ Мулдабоев, Қулжон Жўраев, Расул Қусаинов бошлиқ бригадаларнинг муваффақиятлари ҳақидаги хабар бутун чўлга ёйилди.

Бу муваффақиятларимиз сабаби қаерда? Бунинг сабаби пахта етиштиришда яхши агротехника қўлланилаётганлиги, экинлар механизмлар ёрдамида парвариш қилинаётганлиги ва ҳосил машинада териб олинаётганлигидир. Биз экинларни ота-боболардан қолган усул билан суғоришдан воз кечдик, барча пахта майдонларида экинларни «ёмғир» ёғдирадиган установкалар билан суғормоқдамиз. Бундай машиналардан бизда 50 та бор.

Ёзда совхозимизга бир келинг, ерларимизнинг гўзаллигини кўриб ҳайрон қоласиз. Боғлар билан қуршаб олинган уйлар, поёнсиз пахтазорлар кўзга ташланади. Сиз нима учун бу ўлка ҳали ҳам Мирзачўл деб аталади, деб ҳайрон қоларсиз. Бу ерни Бахт водийси деб аташ керак. Ҳа, чўлга чиройли, замондошларимиз ишига муносиб янги ном бериш пайти келди.

1961 йил 12 ноябрда Никита Сергеевич Хрушчев совхозимизга меҳмон бўлиб келди. У кўпгина фойдали маслаҳатлар берди, пахта ҳосилдорлигини ошириш, ердан фойдаланишни яхшилаш йўлларини кўрсатиб берди. Жумладан, ўртоқ Н. С. Хрушчев тақрор экин экишни таклиф қилди. Чунончи, нўхат ҳосили йиғиштириб олингач, ўрнига силос учун маккажўхори экишни тавсия этди. Биз бу маслаҳатларни амалга оширмоқдамиз. Бу йил пахта майдонлари 300 гектар, маккажўхори экиладиган майдонлар уч баравар, тақрорий экинлар экиладиган майдонлар уч баравар кенгайтирилади.

Бу йилги баҳорни совхозимиз меҳнаткашлари хўжаликнинг барча тармоқларини, шу жумладан чорвачиликни ҳам бир-бирига мослаб ривожлантириш учун қураш билан қутиб олмоқдалар. Ҳозир айни иш қизғин пайт. План тузишни тугалламоқдамиз. Агрегатлар тайёр. Бош агроном Н. Беспалов, инженер В. Неқучаев ва бошқа тажрибали мутахассислар раҳбарлигида ёшлар қишлоқ хўжалик техникасини ўрганмоқдалар, механизаторлик касбини эгалламоқдалар. Бизда, қишлоқда яшаяпсанми, трактор, комбайн ҳайдашни билиб ол, деган шиор қонун бўлиб қолди. Мирзачўлдаги районларнинг Ўзбекистон ССРга қўшилиши тўғрисидаги хушхабарни биз ана шундай бир шароитда қутиб олдик.

Биз олдин ҳам ўзбек оғаларимиз, ҳамкасаба ўртоқларимиз билан мустаҳкам алоқа қилиб турардик. Улар бизни пахта териш машиналари, турли сеялкалар, гўзани чеканка қиладиган машиналар билан таъминлаб келишди. Илғорлар тажрибасини ўрганиш учун Ўзбекистон хўжаликларига кўп марталаб бордик. Улар ҳам бизда тезтез меҳмон бўлиб туришарди. Ахир, совхозимиз билан Тошкент ораси узоқ эмасда. Эндиликда, пахта экадиган ягона ўрта Осиё райони ташкил этилгач, меҳнатнинг илғор методларини жорий этиш учун, пахта етиштиришни кўпайтириш учун кенг миқёсда самаралироқ иш олиб бориш имконияти туғилмоқда. Хўжалигимиз меҳнаткашлари шу тўғрида гапирмоқдалар. Давлат манфаатлари шуни талаб қилмоқда.

Биз, пахтаоролликлар, бундан буён ҳам Мирзачўлни ўзлаштириш байроқдорлари сафида борамиз, уста пахтакорлар деган шарафли номга муносиб ишлаймиз.

Ш. АБДУРАЕВ,
«Пахтаорол» совхози ишчилар комитетининг раиси.

МАЪМУРЧИЛИК ВОҲАСИ

Октябрь тонгида, 1918 йилнинг илк баҳорида улуғ доҳимиз Владимир Ильич Ленин Мирзачўл ерларини ўзлаштириш тўғрисидаги тарихий ҳужжатга имзо чеккан эди. Чўлни гулистон қилиш учун бошланган қудратли ҳужумни ўшандан буён тўхтовсиз давом эттирмоқдамиз.

Ўзбек, қозоқ, тожик халқлари улуғ рус халқи ва Ватанимиздаги бошқа миллатларнинг мадади билан Мирзачўлни маъмурчилик воҳасига айлантирмоқдалар.

Халқлар дўстлигининг қудратини кўриш учун ҳеч бўлмаса бизнинг совхозимизга бир келиб кетишнинг ўзиёқ кифоя қилади. Бундан уч йил муқаддам ҳозирги гуллаётган посёлканинг ўрнида, «оқ олтин» конларининг ўрнида гиёҳ ҳам унмас эди.

Кейинги икки-уч йил мобайнида совхозда қарийб 15.000 гектар янги ер очилди. Ўтган йили 9800 гектар майдонга экин экилди. Шундан 8029 гектари пахтазор эди. Ҳар гектаридан мўлжалдагидан анча кўп «оқ олтин» териб олдик. Мирзачўлдаги янги ташкил этилган совхозлар мамлакатга пахта етказиб бериш юзасидан ўз социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

Мен чўлни ўзлаштиришга механизатор ўғлим Бобожон Эшпўлатов ва бутун оилам билан кўчиб келдим. Ўтган йили 285 гектар майдоннинг ҳар гектаридан салкам 30 центнердан ҳосил кўтардик.

Коммунистик партия, жонажон ҳукуматимиз Мирзачўлни ўзлаштиришга ғоят катта эътибор бермоқдалар. Кейинги йилларда Никита Сергеевич Хрушчев Мирзачўлга, шу жумладан совхозимизга икки марта келиб, бизга қимматли маслаҳатлар берди. Мен шахсан Никита Сергеевич Хрушчев билан учрашиб, унинг қимматли маслаҳатларига амал қилаётганим билан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

Мирзачўлга янги ҳужум бошланганда чўл бамисоли океан бўлса, янги ташкил топган хўжаликлар онда-сонда учрайдиган оролга ўхшарди. Қозоқ халқи республикамизга туҳфа қилган ерлардаги илғор совхозлардан бири ўша вақтда «Пахтаорол» деб бекорга аталмаган.

Эндиликда бундай «оқ олтин» конлари йилдан-йилга кўпаймоқда. Мирзачўлни ўзлаштиришда биз билан бирга қозоқ, қирғиз ва тожик фарзандлари, бошқа миллатларнинг йигит-қизлари ҳам бир ота-онанинг фарзандларидек аҳил бўлиб мардона меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбек халқи ўз биродари тожик халқига 50 минг гектардан ортиқ ерни қанчалик қувонч билан туҳфа қилган бўлса, қозоқ халқи коммунистик мўл-кўлчилик манфаатларини кўзлаб, бизга ўз территориясидан минг-минг гектар ерни шундай олижаноблик билан туҳфа қилмоқда.

Мирзачўл — дўстлик бўстони. Уни бутун совет халқи гуллатмоқда. Мирзачўлни чинакам маъмурчилик воҳасига айлантириб, унинг хазинасидан тағин миллион-миллион тонналаб «оқ олтин» оламиз.

Эшпўлат ЖУМАЕВ,
Жиззах районидаги 6-совхознинг бригада бошлиғи.

КОММУНИСТЛАР БИЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР БУЗИЛМАС БЛОКИНИНГ НОМЗОДЛАРИ

ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ ҚУДРАТЛИ БИРЛИГИ

ХАЛҚИМИЗ ЎЗИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФАРЗАНДЛАРИНИ РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД ҚИЛИБ КЎРСАТМОҚДА

НУКУС

Бугун 166-қурилиш трести коллективининг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган кўп кишилик йиғилиши бўлиб ўтди.

Трест партия ташкилотининг секретари С. В. Лонкин биринчи бўлиб сўз олди. У йиғилиш қатнашчиларининг қарсаклари остида содиқ ленинчи, тинчлик ва халқларнинг бахт-саодати учун толмас курашчи, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчевни** депутатликка номзод қилиб кўрсатди.

1-қурилиш бошқармасининг бош инженери М. И. Кожушко ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг номзодини қизғин қувватлаб, Ленин сайлов округидан депутатликка номзод қилиб 166-қурилиш трести сувоқчилар бригадасининг бошлиғи **Дўсимбет Гулимбетовни** кўрсатишни таклиф қилди.

Ўртоқ Кожушко Д. Гулимбетовни иш сифати аъло бўлгани ҳолда юксак меҳнат унумдорлигига эришган илғор ишчи, сезгир, меҳрибон ўртоқ сифатида характерлади.

Йиғилишда сўзга чиққан 1-қурилиш бошқармасининг сувоқчиси А. Айтжонов, сувоқчи М. Отаназаров, арматурачилар бригадасининг бошлиғи А. Палекеев кўрсатилган номзодларни маъқулладилар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчевни** ва 166-қурилиш трести сувоқчилар бригадасининг бошлиғи **Дўсимбет Гулимбетовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга якдиллик билан қарор қилдилар.

Қорақалпоғистон Давлат педагогика институтида бўлиб ўтган сайлов олди йиғилишида етти юздан ортиқ киши қатнашди.

Институт партия комитетининг секретари Тажен Изимбетов КПСС тарихи кафедрасининг старший ўқитувчиси Анатолий Титович Пискуновга сўз беради.

Бугун, Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти олий органига номзодлар кўрсатилаётган шонли кунда биз биринчи сўзимизни жонажон партиямиз, бизни коммунизм сари дадил бошлаб бораётган партиямизга бағишлаймиз, — дейди А. Т. Пискунов. — Пристань сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб партиямизнинг таниқли арбобларидан бири, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси **Геннадий Иванович Вороновни** кўрсатишни таклиф қиламан.

Шундан кейин сўзга чиққан доцент А. Панабергенов ва математика кафедрасининг мудири М. Галикеев бу таклифни қизғин қувватладилар.

Чет тиллар кафедрасининг мудири Д. Хасанова минбарга чиқади. У биология фанлари кандидати унвонини олишга муяссар бўлган биринчи қорақалпоқ аёли **Пардагул Ержоновани** Пристань сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни тавсия этади.

— Ўртоқ Ержонова Нукусдаги ўқитувчилар институтини, сўнгра педагогика институтини битириб чиқди, — дейди нотиқ. — У салкам ўн йилдан бери зоология кафедрасининг старший ўқитувчиси бўлиб ишлаб келмоқда. У ёзган диссертация пахта зараркунандаларига қарши курашга янгилик киритган асардир.

Старший ўқитувчи М. Санина ва табиат-география факультети тўртинчи курсининг студенти А. Жмабоев кўрсатилган номзодларни қувватлаб чиқдилар.

Қорақалпоғистон педагогика институти коллективининг умумий йиғилиши Геннадий Иванович Вороновни ва Пардагул Ержонованы Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга қарор қилди.

САМАРҚАНД

«Кинап» заводининг клуби одамлар билан лиқ тўлган. Кундузги смена тамом бўлгандан кейин корхона ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари бу ерда сайлов олди йиғилишига тўпландилар.

Инженер И. А. Трейстер минбарга чиқади.

— Жонажон Коммунистик партия билан халқнинг бузилмас бирлиги катта сиёсий кампаниялар даврида айниқса ёрқин намоён бўлади, — дейди у. — Мен Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун толмас курашчи, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчевни** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф қиламан.

— Мен депутатликка номзод қилиб ўртоқ Н. С. Хрушчевни кўрсатиш ҳақидаги таклифни қизғин қувватлайман, — дейди токарь Л. В. Игонина. — Никита Сергеевичнинг урушга қарши, ер юзида тинчлик учун қурашдаги хизматлари биз, ҳотин-қизларга айниқса тушунарлидир.

Йиғув цехининг мастери В. И. Пресс Институт сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб заводнинг партиясиз ишчиси, сим ўровчи **Митти Мансуровани** кўрсатишни таклиф қилади. У Мансурованинг меҳнатсевар аёл, актив жамоатчи эканлиги тўғрисида гапиради.

Шундан кейин сўзга чиққан ишчи Н. Ҳамдамов ва картончи А. П. Плаксина киритилган таклифларни қизғин маъқулладилар. сайлов кунида округдаги ҳамма сайловчилар коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодларини ёқлаб аҳиллик билан овоз берадилар, деб ишонч билдирдилар.

Коллектив йиғилишни Н. С. Хрушчев ва М. Мансурова ўртоқларни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига якдиллик билан номзод қилиб кўрсатди.

Университет сайлов округида Самарқанд Давлат университети студентлари, профессорлари ва ўқитувчиларининг йиғилиши КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Отто Вильгельмович Куусиненни** ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, университетнинг ўзбек адабиёти кафедраси мудири профессор **Воҳид Абдуллаевич Абдуллаевни** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

АНДИЖОН

Бугун Володарский номли фабрикада кўп кишилик йиғилиш бўлди. Йиғилишда Андижон тикувчилари зўр якдиллик билан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ўз номзодларини кўрсатдилар.

Фабрика партия бюросининг секретари Ш. Жўраева сўз олади. У коммунистик қурилишнинг партия XXII съезди белгилаб берган буюк планлари ҳақида, бу планлар совет кишиларининг илҳомбахш меҳнати билан муваффақиятли амалга оширилаётганлиги тўғрисида завқ билан гапиради. Унинг КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчевни** Киров сайлов округидан депутатликка номзод қилиб кўрсатиш ҳақидаги таклифини йиғилиш қатнашчилари гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Нотиқ ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг саботли ленинчи, атоқли давлат ва партия арбоби, ер юзидаги ҳамма кишиларнинг бахт-саодати учун, бутун дунёда тинчлик учун, коммунизм учун толмас курашчи эканлигини характерлаб беради.

Олтинчи цех бошлиғи Фотима Эшназарова минбарга чиқади. У Никита Сергеевич Хрушчевнинг номзодини қизғин қувватлайди ва ўз навбатида Киров сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб фабриканинг тикувчи-моторчиси **Қумрихон Маткаримовани** кўрсатишни таклиф қилади. Толмас меҳнатқаш, коммунистик меҳнат зарбдори Маткаримовани фабрикада ҳамма билади, дейди нотиқ. У илғор ишчи, фабрика маркасининг шуҳрати учун астойдил қурашчи, актив жамоатчидир.

Йиғилиш қатнашчиларидан прессчи М. Аксенова, механик М. Жалилов, моторчи Р. Кривошеева, мастерлар М. Спиринкова, М. Ниёзов ва бошқалар кўрсатилган номзодлар ҳақида самимият билан гапирадилар.

Андижонлик тикувчиларининг сайлов олди йиғилиши КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Совети Раиси Никита Сергеевич Хрушчевни ва фабриканинг тикувчи-моторчиси Қумрихон Маткаримовани Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга якдиллик билан қарор қилди.

«Андижанирмаш» заводи коллективининг бугун бўлиб ўтган сайлов олди йиғилишида завод партия бюросининг секретари Г. П. Тюриков Жданов сайлов округидан республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Николай Михайлович Шверникни** кўрсатишни таклиф қилди.

Рандачи Н. Г. Шаповалов кўрсатилган номзодни қувватлаганлиги ҳолда, шу округдан республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб завод бош инженери **Василий Григорьевич Пакни** тавсия қилди. Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида таълим олган В. Г. Пак, деди нотиқ, ўн беш йилдан бери бизнинг коллективимизда ишлаб келмоқда. Буерда у контроль мастеридан корхонанинг бош инженери вазифасигача кўтарилди. Машинасозлар уни ишлаб чиқаришнинг қобилиятли командири, актив жамоатчи, сезгир раҳбар сифатида биладилар.

Слесарь Ф. Дубский, механика цехининг мастери К. Абдураҳимов ва йиғилишнинг бошқа қатнашчилари кўрсатилган номзодларни қувватлаб чиқдилар.

«Андижанирмаш» заводи коллективининг сайлов олди йиғилиши Николай Михайлович Шверникни ва Василий Григорьевич Пакни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш ҳақида якдиллик билан қарор қабул қилди.

ФАРҒОНА

Фарғона тўқимачилик комбинатида республика Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган кўп кишилик сайлов олди йиғилиши бўлиб ўтди. Комбинат тўқувчиси В. М. Балашованинг тўқимачилик сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб содиқ ленинчи, тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун толмас курашчи, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчевни** кўрсатиш ҳақидаги таклифини йиғилиш қатнашчилари қизғин қутиб олдилар.

Лента-арқоқ цехининг бошлиғи Ф. Мусаев ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг номзодини қувватлагани ҳолда, Тўқимачилик сайлов округидан депутатликка номзод қилиб тўқимачилик комбинатининг илғор ишчиси, йиғирув ишлаб чиқаришининг мастери, ўз меҳнати ва жамоат иши билан фарғоналик тўқимачиларнинг кўпминг кишилик армияси ўртасида донг чиқарган **Отикахон Аҳмаджаевани** кўрсатди.

Йиғилишда техника газламалари ишлаб чиқаришининг ремонт-механика бўлими мастери В. Н. Клименко, техника газламалари ишлаб чиқариши цех комитетининг раиси Е. И. Лежалкина ва йиғирувчи А. И. Субботина сўзга чиқиб, кўрсатилган номзодларни қувватладилар.

Фарғоналик тўқимачилар бир овоздан қабул қилинган қарорда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчевни** ва комбинат йигирув ишлаб чиқаришининг мастери **Отикахон Аҳмаджаевани** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Областнинг энг новқирон корхонаси — Фарғона азот ўғитлари заводида сайлов олди йиғилиши ғоят баланд руҳ билан ўтди.

Цех бошлиғи П. И. Васильев КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси **Андрей Павлович Кириленкони** Саноат сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф қилди.

Завод комитетининг раиси Ф. И. Милешин кўрсатилган номзодни қизғин маъқуллагани ҳолда, республика давлат ҳокимиятининг олий органи депутатлигига номзод қилиб қўчсиз азот кислотаси цехининг машинисти **Муҳаммад Маҳмудовни** тавсия қилди, унинг илғор ишчи, завод қурилишининг актив катнашчиси эканлигини характерлаб берди.

Йиғилишда завод комсомол ташкилотининг секретари Ш. Орипов, электр таъминоти цехининг бошлиғи Г. М. Якимов, аммиак селитраси цехининг техника раҳбари Е. В. Нигатин ҳам сўзга чиқиб, кўрсатилган номзодларни қувватладилар.

Йиғилиш Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб **Андрей Павлович Кириленкони** ва **Муҳаммад Маҳмудовни** кўрсатишга якдиллик билан қарор қилди.

ТЕРМИЗ

Луначарский номидаги саккиз йиллик умумий таълим меҳнат политехника мактабининг ўқув аудиторияларидан бирида дарсдан сўнг шаҳар мактабларининг педагоглари тўпланди. Улар республика Олий Совети депутатлигига ўз номзодларини кўрсатиш учун бу ерга келдилар.

Карл Маркс номли ўрта мактаб ўқитувчиси А. Ф. Сидоренкога сўз берилади. Гулдурос қарсаклар остида у КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчевни** ва 1-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Исоқ Сададиновни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг номи, деб таъкидлайди нотиқ, республикамиз экономикаси ва маданиятининг ривожланиши билан, жумладан, Ўзбекистон жанубий районлари ишлаб чиқарувчи кучларининг юксалиши билан, Қарши даштидаги ва Шеробод водийсидаги қўриқ ерларни ўзлаштириш билан чамбарчас боғлангандир.

Луначарский номидаги ўрта мактаб педагогларидан А. А. Павлова ва В. М. Полунина Никита Сергеевич Хрушчевнинг партия ва халқ олдидаги катта хизматларини, унинг бутун дунёда тинчликни сақлаш учун қурашдаги катта роли нитаъкидлаб ўтдилар. Улар ўз нутқларида Термиз шаҳар сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси **Николай Викторович Подгорнийни** кўрсатишни таклиф қилади.

Иккинчи цех ишчиси Л. А. Каравашкина кўрсатилган номзодни маъқуллайди ва Бухоро шаҳар-Оржоникидзе сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб тикув фабрикасининг моторчиси **Раҳима Бафаевани** кўрсатишни таклиф қилади.

— Биз Раҳимани яхши биламиз, — дейди нотиқ. У, 1947 йил таклифига қўшилди. Айни вақтда у Ленинград сайлов округидан давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига 1-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг раҳбари **Исоқ Сададиновни** номзод қилиб кўрсатишга якдиллик билан қарор қилди.

ТЕРМИЗ

Луначарский номидаги саккиз йиллик умумий таълим меҳнат политехника мактабининг ўқув аудиторияларидан бирида дарсдан сўнг шаҳар мактабларининг педагоглари тўпланди. Улар республика Олий Совети депутатлигига ўз номзодларини кўрсатиш учун бу ерга келдилар.

Карл Маркс номли ўрта мактаб ўқитувчиси А. Ф. Сидоренкога сўз берилади. Гулдурос қарсаклар остида у КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчевни** ва 1-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Исоқ Сададиновни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг номи, деб таъкидлайди нотиқ, республикамиз экономикаси ва маданиятининг ривожланиши билан, жумладан, Ўзбекистон жанубий районлари ишлаб чиқарувчи кучларининг юксалиши билан, Қарши даштидаги ва Шеробод водийсидаги қўриқ ерларни ўзлаштириш билан чамбарчас боғлангандир.

Луначарский номидаги ўрта мактаб педагогларидан А. А. Павлова ва В. М. Полунина Никита Сергеевич Хрушчевнинг партия ва халқ олдидаги катта хизматларини, унинг бутун дунёда тинчликни сақлаш учун қурашдаги катта роли нитаъкидлаб ўтдилар. Улар ўз нутқларида Термиз шаҳар сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси **Николай Викторович Подгорнийни** кўрсатишни таклиф қилади.

Иккинчи цех ишчиси Л. А. Каравашкина кўрсатилган номзодни маъқуллайди ва Бухоро шаҳар-Оржоникидзе сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб тикув фабрикасининг моторчиси **Раҳима Бафаевани** кўрсатишни таклиф қилади.

— Биз Раҳимани яхши биламиз, — дейди нотиқ. У, 1947 йилда фабрика ҳузуридаги ФЗУга ўқишга кирди ва уни тамомлаб чиққанидан бери бизда ишлаб келмоқда. Илғор ишчи ишлаб чиқариш топшириқларини муттасил ошириб бажармоқда ва жамоат ишида актив қатнашмоқда, у корхона коллективининг ҳурматига сазовор бўлди. Аминманки, Раҳима Бафаева бизнинг ишончимизни оқлайди ва халқнинг чинакам хизматкори бўлади.

Йиғилиш КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Николай Викторович Подгорнийни ва «ВЛКСМ XX йиллиги» тикув фабрикасининг моторчиси Раҳима Бафаевани Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга якдиллик билан қарор қилди.

* * *

Бухоро ёғ-экспеллер заводида бўлиб ўтган сайлов олди йиғилиши қатнашчиларининг нутқлари совет халқи Коммунистик партиясининг доно раҳбарлигида хўжалик ва маданий қурилишда эришган буюк галабалари учун фахр туйғулари билан тўлиб-тошган эди.

Слесарь А. Лазаревнинг Бухоро шаҳар-Марказий сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **Н. С. Хрушчевни** кўрсатиш ҳақидаги таклифини йиғилиш қатнашчилари давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Бизларнинг ҳар қайсимиз содиқ ленинчи, тинчлик ва халқларнинг бахт-саодати учун, коммунизм учун толмас курашчи Никита Сергеевични ёқлаб шодлик билан овоз берамиз, деди ўртоқ Лазарев ва бошқа нотиқлар.

Рафинер А. Д. Бурляева бу таклифни қувватлагани ҳолда, Бухоро шаҳар-Марказий сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб, ёғ-экспеллер заводининг цех бошлиғи, ишлаб чиқариш новатори, актив жамоатчи **Лола Ҳамробоевани** кўрсатишни тавсия қилди.

Йиғилиш қатнашчилари республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб Н. С. Хрушчев ва Л. Ҳамробоева ўртоқларни кўрсатишга якдиллик билан қарор қилдилар. (ЎзТАГ).

ҒАЛЛАКОРЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

САМАРҚАНД, 29 январь. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбирлари**). Булунғур ишлаб чиқариш бошқармасида жойлашган Лалмикор деҳқончилик илмий текшириш институтининг клубида ғаллакорларнинг республика кенгаши бўлди. Кенгаш ишида ғаллакор-новаторлар, олимлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, агрономлар, район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Кенгашни Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Н. Ж. Худойбердиев очди. Республика қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министри ўртоқ Х. Эргашев 1962 йилда дон етиштиришнинг якуни ва республика колхоз ва совхозларида дон хўжалигини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида доклад қилди. Лалмикор-деҳқончилик институтининг илмий ходими, республикада хизмат кўрсатган агроном Г. А. Лавроненинг лалмикор ерларда ғаллачилик қандай ривожланаётганлиги ҳақидаги қўшимча доклади тингланди.

Доклад юзасидан бошланган музокарада Сурхондарё область партия комитетининг секретари Ш. Мўминов, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш Самарқанд область бошқармасининг бош агрономи М. А. Саламович, Хоразм область, Гурлан райондаги «Коммунизм» колхозининг агрономи Борис Ким, Фарғона область, Олтиариқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Сўх» совхозининг агрономи М. Музаффаров, Самарқанд область, Булунғур ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Москва» колхозининг бригада бошлиғи Қ. Имомов, Вобкент ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Партия XXII съезди» колхози маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи О. Мўминов, Қорақалпоғистон Автоном республикасидаги «Маяк» совхозининг директори Ким Бон Су ва бошқа ўртоқлар чиқиб сўзладилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг сектор мудири ўртоқ В. Н. Стоцкий қатнашди ва нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари республикадаги барча колхоз ва совхозларнинг ғаллакорларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

(Кенгаш ҳақидаги батафсил ҳисобот газетамизнинг келгуси сонида босилади).

Б. МАҲМУДОВ,
Л. ЭРГАШЕВ.

МИРЗАЧЎЛ—ДЎСТЛИК БЎСТОНИ

(Боши иккинчи бетда)

— Қариялардан жуда оз қолди, деб ҳикоя қилади Орлов. — Кўп кексалар пенсияга чиқиб кетишди, айримлари бошқа қишлоқларга кўчишди. Ҳа, кўп нарса унутиларкан ҳам. Бизнинг «Пахтаорол» тўрт Совет Иттифоқи Қаҳрамони, саккиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамонини тарбиялаб етиштирганлигини ҳозир кўп кишилар билишмайди.

Федор Александрович Орлов фақат ўтмиш хотиралари билан яшайдиган киши экан деб ўйламанг, у эртанги кунниг нафаси билан яшамоқда, ишламоқда.

— Ўтган йили биз бўлимимиз бўйича ҳар гектар майдондан 28 центнергдан «оқ олтин» кўтардик, — дейди Федор Орлов, — бу жуда оз. Олдинги йили эса 40,8 центнердан ҳосил кўтарган эдик. Бу ҳам энг юқори кўрсаткич эмас. Хўш, айб нимада? Айб ўзимизда. Бир оз мағрурландик. Бундан ташқари агротехникада ҳам айрим чалкашликларга йўл қўйилди. Тупроқни чалароқ ювдик. Ҳолбуки экиш олдидан далаларни бир сидра яна суғориш керак эди. Уруғ нами қочиб қолган тупроққа ташланди. Бунинг устига 800 гектар майдонга чигитни қайта экдик. Қўшниларимиз эса ақлли иш қилишди. Тупроқни ишлашни, ювишни, соз ўтказишди.

Қўшнилар деб Дзержинский бўлимининг пахтакорларини айтишади. Бу бўлимга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Н. Есентаев раҳбарлик қилади. Улар гектаридан 38 центнердан ҳосил кўтаришди. Майдонлари ҳам озмунча эмас — 1033 гектар. У ерда Етбой Усумбетов деган бригадир бор. Ёш бўлса-да, тадбиркор йигит. 40 центнердан ҳосил олди. Энди 45 ни мўлжаллаяпти. Ишончимиз комилки, бу маррага ҳам эришади. Шудгорни вақтида қилди. Ерларни тоза ювди. Ҳар гектар майдонга ҳозирдаёқ 12-15 тоннадан гўнг чиқариб қўйишди.

Пешқадамлар кўп. Ўзбекистонга қўшилаётган Киров ва Пахтаорол ишлаб чиқариш бошқармаларининг пахтакорлари ҳам етти йилликнинг бешинчи йили баҳорига катта тараддуд кўрмоқдалар.

Ҳамроҳимиз, Киров ишлаб чиқариш бошқармасининг инспектор ташкилотчиси Сагинбой Бексеитов бу ердаги хўжаликларнинг экономикасини жуда яхши билади. Унинг фикрлари мана бундай:

— Бизда саккиз колхоз ва саккиз совхоз бор. Тўғри, бир совхоз асосан узумчилик совхози ҳисобланади. Ерларимиз эса жуда кенг — 300 минг гектар. Шунинг бир қисмига пахта экилади. Пахта — бизда хўжаликнинг етакчи тармоғи ҳисобланади. Имкониятларимизни ҳисоб-китоб қилиб кўрдик. Агар ҳамма хўжаликларимиз гектаридан олинадиган ҳосилни 25 центнерга етказса, бошқармамиз Ватанга қўшимча 19 минг 483 тонна «оқ олтин» етказиб берган бўлар экан. Бу ҳам катта резерв. Шуларни ҳисобга олиб, биз бу йил Ватан хирмонига 95 минг тонна «оқ олтин» тўкишни мўлжаллаяпмиз. Бу — қардош ўзбек пахтакорлари хирмонига қўшиладиган бизнинг ҳиссамиз бўлади. Бунинг учун зўр бериб ишлаш, пахта етиштиришдаги илғор тажрибаларни ўзбек пахтакорларидан ўрганишимиз лозим бўлади. Лоақал ёнимиздаги «Заря коммунизма» колхозининг пахтакори Николай Лидан ибрат олишимиз, ўрганишимиз керак.

Ленин номли совхозга қўшни бўлган «Заря коммунизма» колхози ўртача хўжалик. У ҳам янги ўзлаштирилган ерларда ташкил этилган. Ана шу ерларда Николай Ли бригадаси ажойиб қаҳрамонлик кўрсатмоқда. Бригада ҳосилдорликни ўтган йили гектар бошига 40 центнерга етказди. Етти йилликнинг бошидан буён бу бригада ҳар йили ўртача гектаридан 46,6 центнердан ҳосил кўтарган.

Колхоз партия бюросининг секретари Владимир Кан бундай деди:

—Николай Ли бригадасининг ҳеч қандай сири йўқ. Улар ҳамма ишни агротехника қоидалари асосида ўз вақтида, сифатли ўтказишади. Бунда маҳаллий шароитни ҳам ҳисобга олишади. Бу ҳақда бригадир колхозда ташкил этилган агротехника курси қатнашчиларига лекция ўқиб берди.

Ҳа. Мирзачўлда ташаббускор, сергайрат, қалби ором билмайдиган кишилар жуда кўп. Пахтаорол ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Славянский» совхозининг бригадири Виктор Алтуховни айтмайсизми. У катта қалб эгаси. Виктор болалик чоғида оёғидан айрилди. Аммо у умидсизланмади, ўз мақсадлари сари янги куч, янги ғайрат билан интилди. Натижада мақсадига етди — трактарчи бўлди. Ҳозир пахта далаларида жавлон уриб, экинларга ороол ишлаб чиқариш бошқармалари пахтакорлари бу йил давлатга деярли иккиюз минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилганлар. Ҳамма ерда ана шу ҳосилни қўлга киритиш ҳаракати.

Шунда бизнинг ҳаёлимизга Никита Сергеевичнинг қуйидаги ҳикматли сўзлари келди: «Шарқда: вақт тоғни емиради, сув тошни кемиради, дейдилар. Лекин совет халқларининг дўстлиги вақтга бўйсунмайди. Йиллар ўтган сайин бу дўстлик тобора мустаҳкамлана беради. СССР халқларининг дўстлигидан мустаҳкамроқ ҳеч бир материал табиатда йўқ».

Ҳозир Мирзачўлдаги ҳар бир чўл жиловкори бу сўзларни такрорламоқда. Биз уни ўз қулоғимиз билан эшитдик...

Мирзачўл, яшнайвер!

Ҳ. НУЪМОНОВ, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг махсус мухбири, Ю. РИБКИН, «Правда Востока» газетасининг махсус мухбири, Н. ДИШЛОВОЙ, Ю. КУКУШКИН, А. БЕЛОЦЕРКОВСКИЙ, — «Казахстанская правда» газетасининг махсус мухбирлари, Х. БОИМУҲАМЕТОВ, «Социалистик Қозоқстон» газетасининг махсус мухбири.

БУГУНГИ БИРЛАШГАН СОНДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ «ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН», «ПРАВДА ВОСТОКА», «КАЗАХСТАНСКАЯ ПРАВДА», «СОЦИАЛИСТИК ҚОЗОҚСТАН» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ ТАЙЁРЛАГАН.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори
З. И. ЕСЕНБОЕВ.

«Правда Востока» газетасининг редактори
А. Д. ИВАХНЕНКО.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

РАДИО

31 ЯНВАРДА

Биринчи программа: 7.40 — Пионер эрталиги, 8.25 — Экран қўшиқлари, 9.50 — Комплекс механизациялаш — пахтачиликни юксалтиришнинг энг муҳим асоси (тожик тилида суҳбат), 10.10 — Сайловчилар талаби ижро этилади. 11.20 — Концерт (Чехословакия сәлистлари ва бадиий коллективлари ижросида), 12.15 — Ставрополь радиосининг эшиттириши, 12.30 — Б. Кербобоевнинг «Небитдог» романидан парча («Ленин мукофотига тақдим этилган асарлар» циклидан), 13.30 — Оперетта ариялари, 15.35 — Қилли квартет чалади, 16.15 — Медицина темасида (ўзбек тилида), 17.40 — Қорақалпоқ ёзувчиси Ж. Оймурзаевнинг «Бахт бешиги» повести (ўзбек тилида парча), 18.05 — «Ялла» концерти, 18.30 — Концерт (мактаб ўқувчилари талабига мувофиқ), 19.20 — Концерт (татар куйларидан), 20.00 — Ўзбекистон чорвадорларининг жанговар вазифалари (ўзбек тилида суҳбат), 20.10 — Музикали календарь, 20.45 — Қурувчилар сайлов олди меҳнат вахтасида, 22.05 — Адабиёт ва санъатнинг партиявийлиги ва халқчиллиги учун (рус тилида), 22.25 — Халқ чолғу куйлари, 23.15 — Кечки концерт.

Иккинчи программа: 19.00 — Композитор Бабажаннан асарлари, 19.30 — «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида, 20.10 — СССР халқларининг қўшиқ ва куйлари, 20.45 — Ижодий жўш урган кишилар (рус тилида), 21.00 — Концерт (тожик халқ куйларидан), 21.30 — Эстрада оркестри чалади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

31 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Моҳир қўллар** (мактаб ўқувчилари учун), 18.25 — **Телевизион янгиликлар**, 18.40 — КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини амалга оширамиз. **Химиклар — пахтакорларга**, 18.55 — **Азия и Африка сегодня** журнали саҳифаларида. 19.15 — **Рассомлардан В. И. Иванов ва П. П. Оссовский асарлари** («Ленин мукофоти номзодлари» циклидан).

Рус тилида: 19.40 — **Пойтахтимиз меҳмонлари**, танаффус вақтида — **Телевизион янгиликлар**, эшиттиришдан кейин — **Сўнгги ахборот** (ўзбек ва рус тилларида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — **Қизиқ ўйинчоқлар** (кичкинтойлар учун), 18.30 — **Жамоатчи контролёрлар**, 18.45 — **Бородино** (илмий оммабоп фильм), 19.05 — **Яна Ватанда** (телевизион фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/I да **Чио-Чио-Сан**, 1/II да **Боғчасарой фонтани**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/I да **Тобутдан товуш**, 1/I да **Олов**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/I да **Фарғона ҳикояси**, 1/II да **Алпомиш**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Украина цирки артистлари ва Зинаида Тарасованинг хайрлашув гастроллари**. Кеч соат 7 яримда бошланади.

КИНО

Ёшу ғўр — «ВАТАН» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 9-45 минутда), «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз 2, 4 ва кеч 6 да), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Номаълум аёл — «ВАТАН» (кундуз соат 2, 4, кеч 6 ва 8 да).

Кенжа ўғил жўчаси — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — «МИР», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 10-20 ва 10-45 минутда), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб 10, кундуз 12, кеч 8 ва 10-10 минутда).

Революция ҳақида ҳикоялар — «МИР» (эрталаб соат 10 да), «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Бахтиёр бўл, Ани! — «ЁШ ГВАРДИЯ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ВОСТОК» (эрталаб соат 9 ва 10-50 минутда).

Қўрқув алифбеси (эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6 ва 10 да), **Мистер Питкин душманнинг орқа томонида** (кундуз 12, 4 ва кеч 8 да) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

31 январда

ОЗАРБАЙЖОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН КОЛЛЕКТИВ

70 кишидан иборат

ДАВЛАТ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Бадиий раҳбар — Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Д. Жонгиров.**

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

2, 3 февралда

КАТТА КОНЦЕРТЛАР

СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати **Мукаррама Турғун